# 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни


O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№97 (750) 2023 йил 8 декабрь, жума
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни **8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни** билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Конституция миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, шу кунга қадар эришган барча ютуқ ва марраларимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Асосий Қонунимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини юксак қадрлаймиз.

Албатта, бу йилги байрам ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, мамлакатимиз ривожида алоҳида маъно-мазмунга эга. Бу, аввало, шу йил **30 апрелда** миллий тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида Конституциямиз янги таҳрирда қабул қилингани билан боғлиқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, том маънода халқчил қомус бўлган **Асосий қонунимиз** Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли **ислоҳотларимиз ортга қайтмаслигининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати** бўлиб хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда **Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етишда Асосий қонунимизда муҳрланган барча қоида ва тамойилларни амалга оширмоқдамиз. Жамиятимизда Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш, **давлат органлари фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитга мос ҳолда йўлга қўйиш**нинг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, бу борада тизимли ишларни бошладик. Хусусан, Асосий қонунимиздан келиб чиқиб, амалдаги қонунларимизни янги конституциявий нормалар билан уйғунлаштириш юзасидан жадал ишлар олиб борилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, қисқа муддатда **30 дан зиёд** қонун ва қонуности ҳужжатлари янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилганини таъкидлаш лозим.

Конституция ва қонун устунлиги тамойили – бу барқарор тараққиётнинг асосий мезони. Сўнгги йилларда барча ислоҳотларимизни айни шу тамойил асосида амалга оширдик.

Юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми охирги 6 йилда **1,5 мартадан** ортиқ, тадбиркорлар сони **2 баробар** ва саноатдаги ўсиш **40 фоиздан** зиёд ошгани буни яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, жорий йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар **134 триллион сўм**ни ташкил этиб, **2016 йил**га нисбатан **5,6 баробар** кўпайди.

Кенг кўламли ва тизимли ислоҳотларимиз натижалари халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон **Коррупцияга муросасиз муносабат бўйича халқаро** индексда **32 поғонага**, **Матбуот эркинлиги** индексида **28 поғонага**, **Ҳуқуқ устуворлиги** индексида **13 поғонага** кўтарилди.

Азиз дўстлар!

Биз инсон қадр-қиммати ва манфаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислоҳотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттирамиз. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан **Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни** тўлиқ рўёбга чиқаришимиз ва **ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз** лозим.

Шу муносабат билан олдимизда турган энг муҳим устувор вазифаларни қайд этмоқчиман.

**Биринчидан,** Конституциямизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, дейилган. Ана шу қоидадан келиб чиқиб, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотларимиз изчил давом эттирилади.

**Иккинчидан,** Конституцияни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўғридан-тўғри ва бевосита қўллаш амалиётига ўтишимиз зарур. Шундагина халқимиз Асосий қонунимизнинг ҳаётбахш кучи ва таъсирини теран ҳис этади.

Бу борада барча давлат идоралари, жумладан, судлар фаолиятида конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллашни жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилади.

**Учинчидан,** суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янги конституциявий маконга уйғунлаштирилади. Бу жараёнда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади.

**Тўртинчидан,** ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносибликни таъминлаш бўйича конституциявий принципни рўёбга чиқариш мақсадида қонун ҳужжатларидаги **150 дан** ортиқ ана шундай чоралар тўлиқ қайта кўриб чиқилади. Жумладан, айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва жазо турларини ўзгартириш, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий жавобгарликни бекор қилиш борасида ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилади.

**Бешинчидан,** Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши курашиш, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

Ушбу йўналишда асосий эътиборимиз бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этишга, шунингдек, **Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Болалар омбудсмани** ва бошқа инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилади.

**Олтинчидан,** барча ислоҳотларимизда инсон ва унинг манфаатлари марказий ўринда туриши ва халқимиз фаровонлиги ҳамда қулай ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат органлари учун бош мақсад бўлиши лозим. Сўнгги йилларда шу мақсадда **300 га** яқин давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилди ва аҳолига **50 миллиондан** ортиқ хизматлар кўрсатилди.

Шу боис, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда мавжуд бюрократик тўсиқларни кескин қисқартириш ҳамда ушбу жараёнлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича ишларни изчил давом эттиришимиз керак.

**Еттинчидан,** биз **“Янги Ўзбекистон – маърифий жамият”** концепцияси асосида конституциявий таълим масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Парламент томонидан **Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича Миллий фаолият** дастури қабул қилинди. Асосий қонунимизни ўрганишни болалар боғчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчилари ушбу жараёнга тўлиқ жалб этилиши лозим. Шунинг учун **давлат хизматига ишга киришда Конституция асослари бўйича имтиҳонлар ўтказиш тизими**ни амалда татбиқ этишимиз зарур.

**Саккизинчидан,** Конституция ва қонун устунлигини таъминлашда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берамиз. Хусусан, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони қарийб **40 фоизга** ошди ва уларни қўллаб-қувватлашга **700 миллиард сўмдан** ортиқ маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз лозим ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ амалий чораларни кўришда давом этамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Дунёнинг турли минтақаларида **зиддият ва қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар** тобора авж олиб бормоқда. Олдимизда янги-янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали вазиятда барчамиз янада бирлашишимиз керак. Танлаган йўлимиздан қатъий олға боришимиз зарурлигини асрлар давомида кўплаб оғир синов ва машаққатлардан муносиб ўтган мард ва донишманд халқимиз албатта яхши тушунади.

Аминманки, Ўзбекистон Республикасининг **янгиланган Конституцияси биз учун бу йўлда улкан ишонч, куч-ғайрат ва илҳом манбаи** бўлиб хизмат қилади.

Биз Асосий қонунимизга таянган ҳолда, мана шундай ноёб Конституциямизнинг **асосий ижодкори бўлган кўпмиллатли, бағрикенг ва олижаноб халқимиз** билан бирга улкан мақсадларимизга албатта етамиз!

**Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо этамиз!**

Сиз, азиз ватандошларимни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ЮРТИМИЗДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР

## Бош қомусимизга мутаносиб амалга оширилмоқда


**Муродбек ҲАЙДАРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.


**Бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча соҳаларга тааллуқли моддалар бўлиб, бу мамлакат ривожи учун хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди. Юртимизда сўнгги йилларда Бош қомусимиз ҳамда бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ижроси сифатида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада бунёдкорлик ишлари ҳам анчайин юқори кўрсаткичларга эга, дейиш мумкин.**




Хусусан, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида 119,6 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари бўйича юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (17 трлн 394,5 млрд сўм), Тошкент вилояти (6 трлн 972,6 млрд сўм), Самарқанд вилояти (5 трлн 482,6 млрд сўм) ва Бухоро вилоятида (5 трлн 320,3 млрд сўм) қайд этилган. Республикада амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 25 фоизни, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 56,6 фоизни ҳамда норасмий секторда бажарилган қурилиш ишлари улуши эса 18,4 фоизни ташкил этди. 1 ноябрь ҳолатига кўра, қурилиш соҳасида рўйхатдан ўтган корхоналар сони 52 819 тани ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 8,6 фоизга ошган.

Шунингдек, 2023 йилнинг январь-октябрь ойларида жами меъморчилик, муҳандислик изланишлар, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми 6 трлн 302,6 млрд сўмни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, юртимизда меъморчилик ишлари кўрсаткичи ҳам юқорилаб бормоқда. Шу билан бирга, давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан жами 3 трлн 319,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчиликдаги ташкилотлар томонидан эса 116 трлн 269,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Ушбу кўрсаткичлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда хусусий секторни қўллаб-қувватлашга эътибор ўз самарасини бермоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-моддасида “Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади. Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади...” – дейилган. Айтиш мумкинки, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари Бош қомусимизга мутаносиб равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда уй (квартира)лар сони 7 млн 301 минг 164 тани ташкил этган. Бунёдкорлик ишлари давом этгани сари бу кўрсаткич ҳам ўсиб бораверади.

Аввалроқ, Яшнобод туманидаги “Миришкор” МФЙ Нормуҳаммедов номли мавзеда ҳарбий хизматчилар учун қурилаётган 16 қаватли уй-жойлар ҳақида хабар қилган эдик. Ушбу объектда амалга оширилган қурилиш ишлари буюртмачиси “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК ҳисобланади. Мазкур уйлардаги умумий хонадонлар сони 1 664 та бўлиб, шундан 352 таси икки хонали, 1 312 таси эса уч хонали. Қурилиш ишлари 2022 йилда бошланган ушбу мажмуада ҳозирда барча уйлар қуриб битказилиб, улардан 3 таси фойдаланишга топширилди.

– Ҳозирда 3 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган ва қолганлари ҳам расмийлаштириш ишлари тугаши билан бирин-кетин уй эгаларига берилади, – деди “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК иш бошқарувчиси Бекзод Тошматов. – Мазкур 3 та кўп қаватли уйга айни пайтда 70 га яқин хонадон кўчиб келиб, истиқомат қилмоқда. Шунингдек, ҳар куни янги хонадон соҳиблари ўз уйларига кўчиб келишда давом этмоқда.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида янги уйга кўчиб ўтган хонадон соҳиблари ҳам юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан мамнун.

– Президентимиз ташаббуси билан бизга мана шундай уйлар имтиёзли равишда топширилди, – деди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими Шерзод Рўзибаев. – Ҳозирда оилам билан янги уйда яшаяпмиз. Ушбу хонадонларнинг 25 фоиз тўлови давлат томонидан тўлаб берилган. Қолгани эса уй эгалари томонидан 14 фоизли имтиёзли кредит асосида 20 йил давомида тўлаб борилади. Кўриб турибмизки, уйлар сифатли қурилган ва хонадон эгаларига кўчиб келиб, яшаш учун тайёр ҳолатда топширилди. Буни давлатимиз томонидан бизга қилинган ғамхўрликнинг яна бир намунаси, дейиш мумкин.

Дарвоқе, жорий йилнинг 10 ойида амалга оширилган қурилиш ишларининг 70,1 фоизи ёки 83 трлн 779,9 млрд сўми айнан иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш қувватлари, турар жой ва бошқа ижтимоий объектларни барпо этишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сифатли ва мустаҳкам қурилган бинолар эса аҳолининг фаровон яшаши учун хизмат қилади. Бу ишларнинг замирида эса юртимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида эканлигидан далолатдир.

*Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.*

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 33-модда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№97 (750) 2023 йил 8 декабрь

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

# “Менинг Конституциям 31 ёшда”

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида “Менинг Конституциям 31 ёшда” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**







“Конституция – халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!” шиори остида ташкил этилган мазкур маърифий тадбирда янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти юзасидан йиғилганларга кенг тушунчалар берилди. Шунингдек, унинг соҳага доир моддаларига алоҳида тўхталиб, қурилиш ва коммунал тизимларда жамоатчилик назорати, очиқлик, энг аввало, амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот, ўзгариш, бунёдкорлик, ободлик замирида инсон қадри мужассам эканлиги айтилди.

Худди шу мавзудаги тадбир вазирлик ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институтида ҳам бўлиб ўтди. Унда институт ректори Аъзамиддин Қўлдашев ҳамда вазирнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Умида Бойзоқова томонидан тингловчиларга янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти юзасидан кенг тушунчалар берилди.

# Долзарб мавзуда давра суҳбати

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида “Биз аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка қаршимиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Давра суҳбатида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши бош мутахассиси Шоҳиста Чариева, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги етакчи мутахассиси Камола Исмоилова, Ички ишлар вазирлиги катта лейтенанти Мурoджон Қудратов юртимизда аёлларни турли хилдаги зўравонликлардан ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, қонунчиликдаги янгиликлар, “Зўравонликка қарши фаол 16 кун” доирасида ўтказилаётган тадбирлар ҳақида маълумот беришди.

Самимий суҳбат ва савол-жавобларга бой бўлган тадбирда мавзуга оид видеороликлар ҳам намойиш этилгани иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мавзу юзасидан билдирилган таклифлар мутасаддилар томонидан тегишли ташкилотларга етказилиши таъкидланди.

# Ҳукуматлараро кенгашнинг 44-йиғилиши

**Беларусь Республикасининг Минск шаҳрида Қурилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро кенгашнинг 44-йиғилиши ўтказилди. Ушбу тадбирда МДҲга аъзо давлатларнинг қурилиш соҳасига оид вазирлик ва идора вакиллари, қатор институтлар мутахассислари иштирок этдилар.**







Тадбир доирасида вазирликнинг Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти, Беларуссиянинг Қурилишда техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш маркази (Стройтехнорм) ҳамда Қозоғистон қурилиш ва архитектура илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти (КазНИИССА) раҳбарияти ҳамда масъуллари иштирокида учрашув ўтказилди. Мулоқотда жорий йилда ишлаб чиқилган ва модернизация қилинган қурилиш нормалари ва стандартлар, BIM технологиялари ҳамда соҳадаги бошқа янгиликлар бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, ўзбекистонлик экспертлар Беларусь Республикасининг Қурилишда техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш маркази лабораториясига ҳам ташриф буюриб, келгуси ҳамкорлик масалаларига доир бир қанча йўналишлар бўйича ўзаро келишувларни амалга оширдилар.

Йиғилишда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш – илмий-тадқиқот институти директори Шерзод Содиқов “Қурилишда техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштиришнинг ягона халқаро интеграциялашган тизимининг аҳамияти” мавзусида нутқ сўзлади. Институт томонидан қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича энергия самарадорлик, сейсмика, таълим, тиббиёт ва қурилиш йўналишларида 16 та ШНҚ ишлаб чиқилиб, халқаро талабларга мослаштирилгани таъкидланди.

# Андижон вилоятидаги объектлар назоратда







**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Андижон вилоятида бўлиб, бир қатор масалалар бўйича ўрганиш ишларини олиб бормоқда.**

Бугунги кунда Андижонда кўп қаватли уйларни иситиш бўйича 36 млн АҚШ долларилик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу “Иссиқлик манбаи” ДУК тармоғидаги янги лойиҳа саналади. Мазкур лойиҳа хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Натижада Андижон шаҳридаги 271 та кўп қаватли уйдаги қарийб 12 000 та хонадон иссиқлик билан таъминланади. Вазир ўринбосари бу борада қилинаётган ишларнинг самарадорлиги билан танишди ва масъулларга таклиф ҳамда тавсияларини берди.

Шунингдек, вазир ўринбосари Андижон туманида бунёд этилаётган “Янги Андижон” шаҳрининг қурилиш жараёнлари билан ҳам танишди. 2023 йилда массивда 80 та 2152 та хонадонли уй-жой қурилиши режалаштирилган. Амалда 80 та 2152 хонадонли уй-жойни қуриш ишлари бошланиб, режанинг 80 фоизи бажарилган. 28 та 832 хонадонли уй-жойлар фойдаланишга топширилган. Қолган 52 та 1320 хонадонли уй-жойлар қурилиши шу йил охирида якунланади.

Т. Алиматов қурилиш жараёнларини кўздан кечириб, қурувчи ва масъуллар билан суҳбатлашди. Жараён билан боғлиқ керакли кўрсатмаларни берди.

# Чирчиқда аҳоли яшаш шароити кўздан кечирилди

**Иссиқлик таъминоти ҳар бир хонадоннинг мўътадил ҳавоси, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун зарур. Шу маънода жойларда иссиқлик таъминоти сифатини ошириш, фуқароларнинг совуқ мавсумдаги энг долзарб муаммосига ечим топиш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида янги, замонавий РК-1 “Юбилейная” қозонхонасини ишга тушириш асносида шаҳардаги 200 га яқин кўп квартирали уй иссиқлик билан таъминланади.**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Рустам Жўраев мазкур ишларнинг бориши, аҳолининг кайфияти билан танишиш мақсадида Ифтихор маҳалласида бўлдилар. Ушбу маҳалладаги 16 та кўп қаватли уйнинг иситиш тизимида олиб борилаётган ишлар ўрганилди. Мутасаддилар иш сифатига алоҳида эътибор қаратиб, бу йирик лойиҳа йиллар давомида аҳолига хизмат қилиши, шу боис, ундаги ҳар қандай вазифага масъулият билан ёндошиш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, аҳоли билан суҳбат давомида уларнинг бугунги ислоҳотлар натижаси ўлароқ шукроналик кайфиятига шерик бўлдилар. Соҳани янада яхшилаш юзасидан фикр ва мулоҳазалар ҳам қабул қилинди.

# Мақсад – аҳолига қулайлик яратиш

**Баҳодир ДУШАЕВ,** Миробод тумани ҳокимлиги уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш ва ободонлаштириш мажмуаси бош мутахассиси.

**Мамлакатимизда давлат раҳбари бошчилигида инсон қадрини улуғлаш ташаббуси илгари сурилмоқда. Бу борада қилинаётган бир қанча ишлар қаторида ҳудудларда аҳолига қулай шарт-шароит яратиб бериш учун мутасаддилар меҳнат қилишмоқда. Хусусан, Миробод туманида ҳам коммунал хўжалиги бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлардан кўзланган мақсад – туманимиз аҳолисининг қиш мавсумини беталафот ўтказишига кўмаклашишдир.**

Ҳозирги кунда туманда 819 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, жорий йилда 138 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик тармоқлари мукаммал таъмирланди. Мазкур уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари сони эса 32 та ташкил этади. Ушбу БСКлар томонидан 7 290 квадрат метр том қисмини мукаммал ва 11 906 квадрат метр том қисмини жорий таъмирлаш, 70 та лифтни жорий, 184 та кириш йўлагини, 70 дона электр шитини, 1647 п/м тик қувурларни, 125 та ертўлани, 17 та болалар майдончасини таъмирлаш ҳамда 262,4 квадрат метр фрамуга ойналарини ўрнатиш ишлари бажарилди.

Коммунал хизмат ташкилотлари томонидан ҳам аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича 3,03 километр эскирган ичимлик суви қувурлари янгисига алмаштирилди. Иссиқлик ва иссиқ сув таъминотини яхшилаш учун 3,406 километр эскирган қувурлар янгиланиб, 32,07 километр эскирган қувурлар жорий ва 2 та қозон мукаммал таъмирланди. Оқова сув тармоғини яхшилаш учун 2,564 километр янги тармоқ қурилиб, 48 км тармоқни профилактик тозалаш ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга, табиий газ таъминоти ҳам яхшиланиб, истеъмолчиларга қулай шароит яратиб бериш мақсадида 3 дона ГТП ва 0,6 километр газ қувурларини мукаммал таъмирлаш, 154 та ГТПни техник кўрикдан ўтказиш, қарийб 3 километр газ қувурларини бўяш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, электр таъминотини яхшилаш бўйича 67,66 километр электр тармоғи янгиланди. 12 дона трансформатор ва 2 та нимстанцияда трансформатор ўрнатилди. 53 дона бошқарув қутиси таъмирланиб, 4,2 километр СИП кабел тортилди ҳамда тунги ёритиш тизими ҳам яхшиланди.

Туман аҳолисини хурсанд, ҳудудни обод қиладиган бу каби ишлар йил давомида амалга оширилаверади. Бундан кўзланган мақсад эса юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш ва аҳолига қулайлик яратишдир.

# Йил якунига қадар қанча маҳсулот ишлаб чиқарилади?

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан “Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар турини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда уюшма раҳбарияти иштирок этиб, мамлакатимиз қурилиш материаллари саноатидаги сўнгги янгиликлар, ишлаб чиқариш, инвестиция ва экспорт бўйича маълумот берди.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сонли қарор билан талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ, жорий йилда 17 та лойиҳада жами 1837 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши белгиланган. Ушбу топшириқ бўйича жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида 1 трлн 783,4 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режага нисбатан 105,4 фоиз ўсиш таъминланди. Йил якуни билан 1 трлн 840 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кутилмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ҳамда тармоқлараро кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳисобига импорт ҳажмларини камайтириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, цемент, керамик плиткалар, керамогранит, қуруқ қоришмалар, ПВХдан қувур ва фитинглар каби кўп ҳажмда импорт бўлаётган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида соҳада жорий йил якунига қадар қарийб 2 млрд долларлик инвестиция лойиҳаларини ўзлаштириш режалаштирилган.

– Биз металл хомашёси учун энди геологик қидирув ишларини бошлаганмиз, – деди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқарма бошлиғи Баҳодир Кенжаев. – Металл ўрнини босиш учун биз Жиззах вилоятида “Mega Invest Industrial” қўшма корхонаси томонидан “BASALT” бренди остида базалт хомашёсидан арматура ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур базалт арматуралар металл арматуралардан 10 баробар қаттиқ, эгилувчан ва 2 баробар арзон ҳисобланади. Ушбу қурилиш материали Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳам киритилган. Ҳозирда қурилиш ишларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, базалт арматураларни Туркия давлатига экспорт қилиш ҳам бошланган. Бу лойиҳа импорт ҳажмини камайишига ҳисса қўшади, дейиш мумкин.

Қурилиш материаллари соҳасини ривожлантириш, маҳаллий тармоқлараро кооперация алоқаларини кенгайтириш орқали маҳсулотлар импортини қисқартириш бўйича ҳам қатор таклифлар билдирилиб, тегишлилиги бўйича вазирлик ва ташкилотларга тақдим этилган. Хусусан, цемент импортини оптималлаштириш мақсадида цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ер қаъридан фойдаланганлик солиқ ставкасини оҳактош таннархининг 5 фоизи (ёки 1500 сўм) миқдорида этиб қайта тиклаш, маҳаллий ойна ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида, ТИФ ТН коди 7005 бўлган қурилиш ойнаси импортига нотариф чораларни, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги 51-сонли фармонини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш киритиш шулар жумласидандир.

Маълумот ўрнида шуни ҳам келтириб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги 51-сонли фармонига асосан ТИФ ТН коди 7005 бўлган қурилиш ойнаси 2025 йил 1 январга қадар импорт қилишда божхона божининг ноль ставкаси қўлланиладиган маҳсулотлар рўйхатига киритилган.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№97 (750) 2023 йил 8 декабрь

*Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.*
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 41-модда.



# Барча ишлар талаб даражасида

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар ва ижтимоий соҳа объектлари учун қулай шарт-шароитлар яратишда, энг аввало, иссиқлик ва иссиқ сув таъминотининг узлуксиз амалга оширилиши муҳим омиллардан саналади. Мамлакатимизда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими 1950-1970 йилларда очиқ сув тақсимоти ҳамда бино ва иншоотларнинг иситиш тизимларини иссиқлик тармоқларига улаш схемаси асосида ташкил қилинган. Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимига уланмаган кўп хонадонли турар жойларни иситиш масаласи бугунги кунда долзарб вазифалардан бирига айланган.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ҳамда унинг узлуксизлигини таъминлаш, иссиқлик таъминоти тизимига замонавий тежамкор ҳамда кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш асосида янгилаш ва модернизация қилишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шундай муҳим қадамлардан бири сифатида Фарғона шаҳридаги Абдулла Қодирий мавзесида жойлашган кўп қаватли уй-жойларни марказлашган иссиқлик билан таъминлашга доир қарорни алоҳида эътироф этиш зарур. Унинг анъанавий лойиҳалардан фарқи шундаки, бу ерда жаҳон тажрибаси асосида инновацион технологиялардан кенг фойдаланилаётганидадир. Ушбу технологиянинг афзаллиги, ҳар қандай ўта совуқ об-ҳаво таъсирида ҳам энергия йўқотишларсиз кўп квартирали уйларга ва ижтимоий соҳа объектларига етарли босим ҳам ҳароратли иссиқлик узатиш билан боғлиқ.

– Фарғона шаҳрида РКЗ қозонхонасидан фойдаланувчи Абдулла Қодирий мавзесида жойлашган 203 та кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тизимини тубдан янгилаш белгиланган, – деди иш юритувчи Мўминжон Мирзакаримов. – Ташкилотимиз 2-мавзе ҳудудида жойлашган 45 та уйдаги мукаммал таъмирлаш ишларини якунига етказмоқда. РКЗ қозонхонасида демонтаж ишлари бошланиб, кетма-кетликда монтаж ишларини давом эттирмоқдамиз. Ҳозирги кунда УТ 1 камерасидан УТ 25 камерасигача монтаж ишлари тўлиқ тугалланган. Бу ерда кўп қаватли уйлардан ташқари мактаб, боғча, поликлиника ҳам жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 465-сонли қарорига асосан республика бюджет маблағлари ҳисобидан Фарғона шаҳридаги Абдулла Қодирий мавзесида жойлашган 203 та кўп қаватли уйлар ҳамда 29 та ижтимоий соҳа объектларини "Фарғона иссиқлик электр энергия маркази" акциядорлик жамияти орқали марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, мазкур дастурга асосан 2023-2024 йилларда 73,4 километр магистраль иссиқлик тармоқларини янгилаш, замонавий иссиқлик пунктларини ўрнатиш ишлари доирасида "26-ХКМК" масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди.

Кузатиш тизимларида бошқарув автоматлашган тарзда бошқарилади. Қаерда қанча босим ва қанча ҳарорат билан кетаётганини компьютер бошқарув тизими кўрсатиб туради ва бошқарилади. Ушбу лойиҳанинг пировард мақсади замонавий тежамкор ва кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш асосида ёқилғи энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган

– Иссиқлик билан таъминланганлик оқибатида, албатта электр тармоқларига кучланиш келиши камаяди, – деди бош пудратчи Муҳсинбек Исоқов. – Абдулла Қодирий мавзесида ижтимоий соҳалар ҳам бор. Уларга ҳам куз-қиш мавсумида иссиқлик тизимини беришни режалаштирганмиз. Абдулла Қодирий ҳудудида 5 та мавзе бор. Ҳозир 1-мавзеда режалаштирилган ишлар якунланди. 2024-2025 йилларда эса қолган тўртта мавзе ҳам иссиқлик тизими билан таъминланади.

Амалга оширилган юмушлар эвазига Абдулла Қодирий мавзесида 203 та кўп қаватли уйларнинг иссиқлик даврида 23 миллион метр куб табиий газ, 9,5 миллион кВт электр энергияси иқтисод қилинишига ҳамда қарийб 10,8 миллиард сўм маблағлар тежаб қолинишига эришилади.

– Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида Фарғона шаҳрида, хусусан Абдулла Қодирий мавзесида иссиқлик таъминотини тиклаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда, – деди бош муҳандис Равшанбек Темиров. – Бугунги кунда амалга оширилган лойиҳалар бўйича энергия тежамкор қувурлар монтаж қилиняпти. Бунинг натижасида 50 фоиз миқдорида энергия ресурсларини иқтисод қилишга эришилади. Сувни кимёвий тозалаш цехида сувни юмшатиб аҳолига сифатли иссиқлик энергияси етказиб берилади. Қозонхонада 2023-2024 куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари октябрь ойида тўлиқ якунланди. Амалга оширилган ишлардан эътиборга молиги шуки, тортилган қувурлар ичида махсус тола бўлиб, улар орқали бошқарувчиларимиз томонидан носозликлар аниқланса, бартараф этиш чоралари кўрилади.

– Бугунги кунда иссиқлик таъминотида жуда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Қувурларнинг янгилари келтирилиб, 50 йиллик кафолат асосида ўрнатилгани бизни хурсанд қилди, – деди меҳнат фахрийси Рустамжон Деҳқонбоев. – Халқимиз бугунги олиб борилаётган ишлардан жуда ҳам рози.

Мазкур ишлар натижасида шаҳар марказида иссиқлик таъминоти тизимини тубдан яхшилаш аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш барча тоифадаги истеъмолчиларни иссиқлик энергияси ва иссиқлик таъминоти билан таъминлаш имконияти яратилмоқда.

# Замонавий корхона экспортёр ва импортёрларга қулайлик яратди



**Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массиви ҳудудида замонавий лойиҳа асосида экспортёр ва импортёрлар ишини осонлаштиришга мослаштирилган агрологистика комплекси фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 709,71 млрд сўмга тенг бўлган мажмуада бунёдкорлик ишлари уч босқичда олиб борилади. Айни пайтда асосий ҳисобланган биринчи бино битказилиб, маҳсулотлар қабул қилинмоқда.**

Давлатимиз раҳбари 2022 йили Москвада бўлиб ўтган "Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида II-Минтақалараро ҳамкорлик форуми" жараёнида видеомурожаат билан чиқиб, Россиянинг "Национальная Резервная" корпорацияси ҳамкорлигида Жиззах вилоятида бунёд этилаётган агрологистика комплекси лойиҳаси масаласига алоҳида урғу бериб, мегалойиҳада бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан муҳим таклифларини берганди.

Айтиш жоизки, "BMB-NRC Agrologistics" ўзига хос ноёб комплексдир. Замонавий корхона республикамиз ҳудудларидаги агросаноат мажмуида етиштирилаётган турли хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш, божхона, банк ҳамда санитар ҳужжатларини "Ягона дарча" тамойили бўйича расмийлаштириш, транспорт, логистика хизматларини кўрсатиш сингари кўплаб амалиётларни ўзида қамраб олган.

Аҳамиятли жиҳати шуки, соҳада фаолият кўрсатаётган экспортёрлар бу ерда иш бошлаган "Россельхознадзор"нинг аккредитацияланган лабораторияси сертификатлари билан Россия ҳамда дунёнинг исталган мамлакатларига тўғридан-тўғри экспортни йўлга қўйишлари учун зарур имкониятлар яратилган. Айни пайтда мажмуани қуриш ва режалаштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сублимацион тарзда қуритиш, шунингдек, шок усулида музлатишни назарда тутувчи лойиҳа қиймати 225,1 млрд сўм бўлган навбатдаги босқичларни бунёд этиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Лойиҳада назарда тутилган иншоотлар қуриб битказилса, бу ерда 10 минг тонна сиғимга эга музлаткичли камералар ўрнатилиб, йилига 810,0 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти яратилади. Ҳозирда иш бошлаган дастлабки бинода эса йилига 270 минг тоннагача маҳсулотни қабул қилиш имкони мавжуд. Шу сингари 180 нафар доимий, 400 нафардан зиёд мавсумий иш ўринлари яратилди. Корхона тўлиқ қувватда ишга тушса, 1 410 нафар жиззахликлар доимий иш ўрнига эга бўлади.

Қўшма корхона республикамиздаги барча экспортёр ва импортёрлар ўз тадбиркорлигини янада кенг шакллантиришда шу пайтгача тўсиқ бўлиб келаётган айрим муаммоларга батамом барҳам бериши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

**Ўз мухбиримиз.**

# Янгиланишлар кўп, муаммо эса сояда қолмоқда

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда ўтказган тадқиқот натижасига кўра, Ўзбекистон 158 та мамлакат орасида 44-ўринни, МДҲ давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллагани ҳақида эътироф этилгани оддий ҳол эмас. Унинг замирида юртимизда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, тўкин-сочинлик, тинчлик, ҳар жиҳатдан ривожланиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли фуқароларимизнинг бу ҳаётдан мамнунлиги мужассам.**









Бу ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида изчил ислоҳотларнинг иккинчи босқичи юртимизда ривожланишнинг янги даврини бошлаб берганини алоҳида таъкидлаш лозим. Республикамизнинг барча ҳудудларини кенг миқёсда қамраб олган туб ўзгаришлар Тошкент вилоятидаги шаҳар-туманларда ҳам янгиланишлар сари юз тутишга имкон берди. Бугун вилоятда замонавий ўзгаришлардан ортда қолган бирорта маҳалла ёки қишлоқ қолмади, ҳисоб. Исталган манзилга борган киши ҳар томонлама қулай, зилзилабардош кўп қаватли уйлар қурилиб, муҳтожларга қувонч улашилаётгани, юзлаб корхоналарни ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилаётгани, ҳудудларни ободонлаштириш сингари бошқа кўплаб ҳаракатлар изчиллик билан давом этаётганини кўриши мумкин.

Ана шундай замонавий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Бўка туманида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хабарингиз бор, шу йилнинг бошида давлатимиз раҳбари вилоятда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш жараёнида Бўка ва Пискент туманларининг маъмурий марказлари ҳамда маҳаллаларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда одамларга қулай турмуш шароитини яратиш юзасидан тегишли ташкилотларга зарур кўрсатмалар берганди. Ана шу топшириқлар ижросини таъминлашга киришилганига олти ойча вақт бўлди. Шу даврда биргина Бўка туманининг қиёфаси тубдан ўзгармоқда.

Жумладан, қурувчиларнинг саъй-ҳаракати билан замонавий типдаги иккита беш қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туман марказидаги 14 та маҳаллада бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилиб, мактаб, болалар боғчалари, маъмурий бинолар бунёд этилди, айримлари қайтадан реконструкция қилинмоқда. Асосий ва ички йўлларда таъмирлаш ҳамда асфальтлаштириш ишлари олиб борилди. Яна бир жиҳат, барча маҳаллалардаги ичимлик ва оқова сув тармоқлари издан чиққани учун фуқаролар шу масалада мурожаат қилмаган ташкилот қолмаганди. Айни пайтда одамларнинг ҳақли эътирози босқичма-босқич ҳал қилинмоқда.

Бу масалада архитектор ва лойиҳачиларнинг соҳада орттирган тажрибалари айниқса, муҳим ўрин тутяпти. Улар ҳар бир маҳалланинг жойлашувига қараб, алоҳида лойиҳа ишлаб чиқишган. Бунёдкорлик ишларининг тез ва сифатли бажарилишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётганлардан бири, "Кристал қурилиш" МЧЖ раҳбари Азизбек Саломовнинг айтишича, йил охиригача "Йўл харитаси"га киритилган барча ишлар якунига етиши керак. Шунинг учун "Тумансувоқова" корхонаси қаторида бешта масъулияти чекланган жамиятнинг ишчи-ходимлари махсус техникалар ёрдамида ҳаракат қилишмоқда.

Халқимизда "Эскини ямаб эсинг кетади", деган гап бежизга айтилмаган. Шу ақидага амал қилаётган қурувчилар эскириб, ўз муддатини ўтаб бўлган қувурлар ўрнига маҳаллий хомашёдан тайёрланган, камида 100 йилга чидайдиган, шунингдек, маҳаллаларнинг кейинги ўсишига қараб 200-250 мм ҳамда ундан катта ҳажмдаги қувурларни ўтказишмоқда. Ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда туманнинг картографик жойлашувига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда. Яъни, ҳududдаги 30 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллалар паст-баландликда жойлашган бўлиб, уларнинг оралиқ масофаси ҳам анчагинани ташкил қилади. Бу эса мутахассислардан янада кўпроқ изланишни талаб этиши бор гап.

Шу сабабдан, аҳолига муносиб шароит яратиб бериш, мактаб, болалар боғчалари, тиббиёт пунктларини қуриш, табиий газ, электр энергияси тармоқларини янгилаш ва марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш ишларида илғор технологиялардан самарали фойдаланилаётгани иш сифатини яхшилаш ҳамда белгиланган режани босқичма-босқич бажаришга шароит яратмоқда. Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, кейинги йилда буларнинг барчаси фойдаланишга топширилиши керак. Айни кунларда бу йўналишдаги ҳаракатлар қизғин паллага кирган.

## МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ТОПИЛИШИ КЕРАК

Барчага маълумки, уй-жой, озиқ-овқат ва ишсизлик масаласи жаҳонда ҳамиша муаммо бўлиб келган. Шу боисдан, ўз уйига эга бўлганлар унинг қадрига етиб, саранжом-саришталиги ва озодалигини сақлашга алоҳида эътибор беришади. Шундай бўлсада, якка тартибдаги хонадонларга қараганда кўп қаватли уйларда яшовчиларда доимий равишда баъзи муаммолар учраб туриши ва уларни бартараф қилишда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар кўмагисиз иш битмаслигини ҳудудда истиқомат қилувчилар яхши ҳис қилишади.

Бўка туманида ҳам 39 та кўп қаватли уйнинг қурилганига кўп йилдан ошган. Гапнинг рости, ислоҳотлар бошлангунга қадар бу ерда яшовчиларга одамлар унчалик ҳавас қилмасди. Сабаби, бирорта хонадон асосий эҳтиёжлар билан таъминланмаган, иситиш ускуналари номига ўрнатилгану, бироқ марказлашган тизим умуман ишламагани ва иссиқ сув йўқлиги натижасида нафақат қиш кунлари, балки бошқа фаслларда ҳам фуқаролар, айниқса, ёш болалар қийналишарди. Ўрни келганда айтиш керак, канализация тизими йиллар давомида ишламагани учун ҳар бир хонадон эгаси уйлар атрофидаги майдонда ноқонуний равишда ҳожатхона қуриб олишга мажбур бўлишган. Бундай ҳолат кўп қаватли уйларда хизмат кўрсатиш масаласи мутлақо издан чиқиши ва шу туфайли коммунал хизматлардан қарздорлик йил сайин ошиб кетишига олиб келганди.

Тизимга давлат даражасида эътибор қаратилиб, собиқ ширкатлар ўрнини компанияларга бўшатиб бергани ва уларнинг шу соҳани замонавий талабларга мослаштиришга йўналтирилган лойиҳалари бошқалар сингари бўкалик кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг ҳам кўнглига чироқ ёқди. Ўзи ҳам шундай уйлардан бирида яшаб, соҳани мукаммал ўзлаштирган Алижон Каримов "Бўка маданияти" БСКни ташкил этганида аҳоли унга ишонди ва қўллаб-қувватлади.

Иккинчи йилдирки, тадбиркор ишлаб чиққан лойиҳа амалга татбиқ этилаётгани туфайли барча уйларнинг томлари, фасад қисми тўлиқ таъмирланди, аҳоли "чакки томишидан безор бўлдик", деган сўздан халос бўлди. Шунингдек, ён-атрофда ўзбошимчалик билан қурилган барча қурилмалар ихтиёрий равишда буздирилди, уларнинг ўрнига болалар ва катталар учун 12 та спорт майдончаси қурилиб, йўлакларга асфальт ётқизилди, тунги чироқлар ўрнатилди, дам олиш жойлари ҳамда ҳар битта кўп қаватли уйдагилар учун алоҳида ҳожатхона қурилди. Уйларнинг ертўлалари ҳашар йўли билан тозаланди ва ичимлик ҳамда оқова сув қувурлари янгисига алмаштирилиб, кейинги босқичда улардан фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Бу жараёнда асосий масалалардан бири хонадонларни иссиқлик тизими билан таъминлаш бўлди. Марказлашган тизим тўлиқ издан чиққани сабабли бунга ечим топиш осон бўлмади. Компанияга тегишли уйларда яшовчиларнинг ўзига билдирган ишончи катта масъулият эканини дилдан ҳис қилган БСК раҳбари вилоятдаги туман-шаҳарларда бу борада қандай ишлар қилинаётганини ўрганди. Натижада, уй бошлиқлари билан келишган ҳолда ҳар битта кўп қаватли уй учун тажриба тариқасида тегишли ташкилот ҳамкорлигида локал технологияли иситиш қурилмалари ўрнаттирди.

"Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 33-кўп қаватли уй бошлиғи Зарифа Азимхўжаеванинг таъкидлашича, мазкур қурилма орқали хонадонларга бир меъёрда иссиқлик етказиб бериляпти. Аҳоли кўп йиллардан бери бундай шароитдан бебаҳра эди. Унинг яна бир қулайлиги шундаки, зарур бўлмаган пайтлари ўчириб қўйилади. Бу эса тежамкорлик ва иқтисодий жиҳатдан оилалар бюджетига фойдадир.

Албатта, БСКлар янги тизим, ўз-ўзидан аёнки, кўп қаватли уйларни замон талабларига мослаштириш ва бу ерда истиқомат қилаётган фуқароларга ҳар томонлама етарли шароитлар яратиб бериш бўйича уларнинг зиммасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Кўринадики, мақсадга эришиш учун уларни фақат қўллаб-қувватлаш кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Дарвоқе, давлатимиз бу жиҳатдан собиқ ширкатлардан қолган қарзларни уч йилга музлатиб қўйгани компанияларга берилган имтиёз ва ишни ташкиллаштириб олишга қаратилган имконият экани барчамизга маълум. Бироқ айрим жойларда уларни қўллаш, зарур пайтда ёрдам бериш ўрнига, айтиш жоиз бўлса, янги корхона ўз ишини тўлиғича шакллантириб улгурмасдан уни бўғаётганлар ҳам учраб турганини қандай тушуниш мумкин?

Бу борада Бўка туманида айни шу кунларда кечаётган ҳолатга ҳавас қилиб бўлмайди. "Бўка маданияти" БСК раҳбари Алижон Каримовнинг айтишича, собиқ ширкатлардан қолган 2 млрд 846 миллион сўм қарздорлик 2024 йилнинг август ойига қадар музлатилган. Шундай бўлсада, "Агробанк"нинг туман бўлими мутасаддилари компания ҳисоб рақамига қанча пул тушса, сўроқсиз охирги сўмигача ечиб олмоқда.

– Белгиланган тартиб-тамойиллар бўйича банк раҳбарига мурожаат қилсак, бизни эшитишни ҳам хоҳламаяпти, – деди А. Каримов. – Бунинг касрига кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан режалаштирган ишларни муддатида бажариш ортга чўзилмоқда. Қиш эса тоғнинг ортида тургани йўқ, совуқ кунлар тобора яқинлашмоқда. Аҳвол шу тахлит давом этса, фуқароларимиз компаниямизга нисбатан ишончни йўқотмаслигига ким кафолат беради? Ишчи-ходимларимиздан миннатдормиз, беш ойдан буён маошларини ололмаётганига қарамай, барча ишларни охирига етказишга ҳаракат қилишмоқда.

Гапнинг индаллосини айтганда, юқорида қайд этилган муаммо биргина Бўка туманида эмас, балки бошқа туманлар, шунингдек, вилоятлардаги кўплаб БСКларда ҳам учраб турибди. Мазкур масала ўз вақтида жиддий ҳал этилмаса, Алижон Каримов куюнчаклик билан айтганидек, одамларнинг компанияларга бўлган ишончи худди ширкатлардаги сингари ўз-ўзидан сусаяди. Шу ўринда, "Бу муаммога ким ечим топади?" деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Вилоятлардаги шу соҳани назорат қиладиган, қолаверса, ҳокимлар ва тегишли мутасаддилар "Қани, охири нима билан тугаркан?" деб қараб туришмаса керак, деган умиддамиз.

Таҳририятимиз эса бу муаммо қай даражада ҳал этилаётгани юзасидан Тошкент вилоятидаги тегишли ташкилотлардан фикр-мулоҳазаларини кутиб қолади.

*Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.*
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 47-модда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№97 (750) 2023 йил 8 декабрь

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

# Қиш мавсумидан муаммоларсиз ўтиш барчамиз учун муҳим

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Эндигина бошланган қиш мавсумидан муаммоларсиз ўтиш барчамиз учун муҳим. Бу эса ҳар бир соҳа вакилига иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш, аҳолига узлуксиз иссиқлик энергияси етказиб бериш, мавсумни беталафот ўтказишда алоҳида масъулият юклайди. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

– Мавсум олдидан кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш, уларнинг техник ҳолатини мониторинг қилиш, шу жумладан, уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш, уй-жойларни бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш борасида қатор ишлар олиб борилди, – деди Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири вазифасини вақтинча бажарувчи Азимжон Қурбанбаев. – Ҳозирги вақтда республикада 1 минг 576 кўп квартирали уй-жой бўлиб, шундан 1 минг 518 та уй-жойга бошқарув ташкилотлари, 58 тасига эса 5 та уй-жой эгалари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур кўп квартирали уй-жойларда 156 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида кўп квартирали уй-жойларни мукаммал ва жорий таъмирлаш учун республика бюджетидан 40,4 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан 392 та кўп квартирали уй-жойда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жумладан, 79 та уйнинг том қисмида, 547 та кириш йўлакларини таъмирлаш, 476 та темир эшиклар, 521 та кодли қулфлар ўрнатиш, 178 та электр шитларни таъмирлаш, 97 та уйнинг ички ва 109 та уйнинг ертўласидаги коммуникация тармоқлари, 155 та уйнинг фасад қисмида таъмирлаш ишлари якунланиб, бугунги кунда 109 та уйнинг ертўласидаги коммуникация тармоқларида ишлар давом этмоқда.

Бундан ташқари, республика ҳудудидаги кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотларининг 121 миллион сўм мажбурий тўловлари ҳисобидан подъездларга энергия тежовчи сенсорли лампалар ўрнатилди.

2023-2024 йиллар куз-қиш даврида истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги "2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори асосида 895,6 миллион сўм эвазига "Тахиатош иссиқлик тармоқлари" МЧЖга қарашли марказлашган тармоқлардан кўп квартирали уй-жойларга тақсимловчи 1,5 километр тармоқда мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Корхона ҳисобидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик мақсадида жорий йилда 1 та қозонхона ҳамда 0,263 километр иссиқлик тармоқларини жорий таъмирлаш белгиланиб, бугунги кунда барча ишлар тўла якунланди. Қорақалпоғистон Республикасидаги жами кўп квартирали уйлардан 441 таси замонавий иссиқлик таъминоти билан таъминланган.

Дарҳақиқат, куз-қиш мавсумини муаммоларсиз ўтказиш бўйича кенг қамровли ишлар ҳамон давом этмоқда. Улар қаторида келгуси йилда кўп квартирали уй-жойларни мукаммал ва жорий таъмирлаш учун 21,5 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Шундан, том қисми, кириш йўлакларини таъмирлаш, кодли қулфли темир эшиклар ўрнатиш, электр шитлари, уйларнинг ертўласидаги коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини таъмирлаш режалаштирилган.

Шунингдек 4,5 миллиард сўм маблағ ҳисобига кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш кўзда тутилган. Шу жумладан, 16 та болалар майдончаси, 79 та кўп квартирали уй-жой олдида қуёш энергияси билан ишлайдиган ташқи ёритиш тизимини ўрнатиш ҳамда 32 та кўп квартирали уй-жойнинг олдида пиёдалар йўлакчасига бетон қопламаларини ётқизиш ишлари бажарилади.

Режадаги ишларнинг амалга оширилиши қиш ойларида юзага келиши мумкин бўлган кўплаб муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**

# Электрда яна узилишлар кузатиладими?

**Хуршидбек ЮЛДАШЕВ,** "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ Андижон ҳудудий филиали директори.

**Бошланган қиш мавсуми барчамизда битта саволни пайдо қилаётган бўлиши шубҳасиз: "Бу йил электрда яна узилишлар кузатиладими?". Ўтган йилги аномал совуқ барчамизга ибрат бўлди.**





Шу боис, бу йилги мавсумга тайёргарлик ҳам жиддий бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарор ва фармонлари ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудларда куз-қиш мавсумига муносиб тайёргарлик кўриш учун "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ Андижон ҳудудий филиали тасарруфидаги марказий омборга керакли барча электр жиҳозлар келтирилмоқда. Айни вақтда яна 22 дона янги трансформатор пункти, замонавий СИП кабель тармоқлари ҳамда тармоқ учун эҳтиёт қисмлари келтирилди.

Шу билан бирга, филиал таркибидаги туман ва шаҳар электр таъминотлари томонидан ҳудудларда қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Хусусан, Қўрғонтепа туманининг "Маъмуробод" МФЙ Чоргоҳ кўчасида 37 дона темир-бетон таянч ва 1 дона қуввати 250 кВА бўлган трансформатор пункти ўрнатилди. Узунлиги 1000 метр бўлган СИП кабель ҳаво тармоғи тортилди. "Учқун" МФЙ Ўзбекистон кўчасига эса 16 дона темир-бетон таянч ўрнатилиб, 1600 метр узунликдаги СИП кабель ҳаво тармоғи тортилди.

Бундан ташқари, туманнинг "Ижтимоят" МФЙ Холис кўчасига 20 дона темир-бетон таянч ўрнатилиб, 1400 метр узунликда ҳаво тармоқлари тортилди. Ҳозирда 600 метр узунликдаги 10 кВ юқори кучланишли ҳаво тармоғини тортиш ишлари олиб борилмоқда. Юқоридаги қурилиш ишлари натижасида туманнинг 300 дан ортиқ аҳоли хонадонининг электр энергияси сифати яхшиланади.

Манзилли дастурларга асосан, Бўстон туманининг "Меҳнатобод" МФЙ таркибидаги Равнақ, Мурувват, Бўстон кўчаларида истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларини электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида белгиланган ишлар давом этмоқда. Ушбу маҳаллага шу кунга қадар қуввати 160 кВА бўлган бир дона трансформатор пункти, 96 дона замонавий темир-бетон таянч ўрнатилди, 3000 метрдан зиёдроқ СИП кабель тармоқлари қуриб битказилди. Ҳозирда яна 18 дона темир-бетон таянч ҳамда 4000 метрга яқин ҳаво тармоқлари қуриш режалаштирилган.

Айтиш мумкинки, бу йилги қиш мавсуми беталафот ўтиши учун барча чоралар амалга оширилди. Эҳтимолий ҳолатлар учун етарли ҳозирликлар кўрилмоқда. Халқимиз учун барча зарур имкониятларни ишга соламиз.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**

# Ноқонуний қурилмалар бартараф этилмоқда

**Орифжон ИСМОИЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори ижроси, аҳоли пунктларини қуришда шаҳарсозлик ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашда тегишли орган ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан, ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатларини бартараф этиш бугунги кунда долзарб масала сифатида қаралмоқда.**



Шу мақсадда Бағдод тумани ҳудудида Ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш, ноқонуний қурилмалар ва ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатларини бартараф этиш бўйича туман ишчи гуруҳи таркибида туман қурилиш ва уй-жой бўлими ходимлари томонидан ҳам самарали тадбирлар ташкил қилиняпти.

Жумладан, Бағдод тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи давлат аҳамиятидаги 4П-112 Фарғона халқа автомобиль йўлидаги тартибсиз ҳолатдаги жами 119 нафар қатнов йўлига яқин бўлган ҳудудлардаги ноқонуний қурилиш объектлари эгаларига уларни бартараф этиш бўйича ҳамда келгусида ушбу ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан расмий огоҳлантириш хатлари берилди. 32 та автомобиль йўлидаги тартибсиз ҳолатдаги барча турдаги тадбиркорлик субъектлари, 87 та ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонларига қурилган ноқонуний бино-иншоотлар бартараф этилди.

Тадбир якунига қадар бартараф этиш чорасини кўрмаган 12 та объект эгаларининг ҳар бирига нисбатан (8 млн 250 минг сўм) жарима жазоси қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси МЖтК-60 моддаси 2-қисмига асосан Кадастр агентлиги Бағдод туман бўлими томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилди. Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонларига қурилган бино-иншоотларни тартибга келтириш чоралари кўрилмоқда.

**ХОРАЗМДАН ДАРАКЛАР**

# Кўмир таъминотида коррупцияни олдини олиш

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунига бағишлаб аксилкоррупция ойлиги доирасида "Кўмир таъминот" МЧЖ Хоразм вилояти филиали ва унинг тасарруфидаги кўмир омборлари масъул ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.**

Унда сўнгги ҳафталар давомида кўмир таъминоти корхоналари масъул ходимлари томонидан аҳоли ва ижтимоий соҳа объектлари учун берилиши лозим бўлган кўмир маҳсулотларининг талон-торож қилиш ҳолатлари аниқлангани ҳақида маълумот берилиб, айбдорлар амалдаги қонунчилик талаблари асосида жавобгарликка тортилгани айтилди.

Йиғилишда шу масала атрофлича муҳокама этилиб, кўмир маҳсулотларини шахсий манфаатлари йўлида талон-торож қилганликлари кечириб бўлмас ҳолат эканлиги таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда айрим ҳолатларда аҳолининг кўмир маҳсулотларини ўз вақтида арзон нархларда харид қила олмаётганлиги ва нархларнинг сунъий ошириб юборилганлиги асосли эътирозларга сабаб бўлаётганлиги, филиал ва омбор масъул ходимлари томонидан коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиллар етарли ўрганилмаганлиги, коррупцияга қарши курашиш бўйича тадбирлар етарли даражада ташкил қилинмагани қаттиқ танқид қилинди.

– Муҳокама жараёнида туманлардаги кўмир омборларида департамент ходимлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, ушбу ёқилғини ўз нархида тақсимлаш ва аҳолига тўғри етиб боришини таъминлаш бўйича тавсиялар берилди, – деди "Кўмир таъминот" МЧЖ Хоразм вилояти филиали директори ўринбосари Собиржон Оллаберганов. – Шу билан бир қаторда, маҳалла раисларининг таклифлари ҳам ўрганилди. Таклифга асосан, кўмир тақсимлаш шохобчаларига узоқ ҳудуддаги маҳаллаларга кўмир ёқилғисини тўғри етиб боришини таъминлаш, департамент ва прокуратура ходимларидан бир нафардан ходимни кўмир тақсимлаш шохобчаларига бириктириш чоралари кўриладиган бўлди.

# "Яшил макон" лойиҳасида қурувчилар ҳиссаси катта

**"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсуми доирасида мамлакатимиз бўйича кўчат экиш ишлари ниҳоясига етиб бормоқда. Ушбу умуммиллий лойиҳада Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси, туман, шаҳар бўлимлари ҳам фаол иштирок этишди.**

Жумладан, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси жамоаси томонидан Хива шаҳар ҳудудида кўчат ўтқазиш ишлари олиб борилди. Шунингдек, улар кўчаларни тозалаш ва ободонлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этдилар.



# "Обод замин" МФЙ янги бинода

**Ҳазорасп туманидаги "Обод замин" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ҳазорасп тумани ҳокими З. Абдиримов, вилоят ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Н. Қутлимуратова, туман прокурори Д. Мадиримов ва маҳалла фаоллари иштирок этдилар.




Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва уларнинг бугунги кунидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан яшашини таъминлашда албатта, маҳаллаларнинг ўрни катта ҳисобланади. Шу боис, бугунги кунда туманимизда ҳам ўз биносига эга бўлмаган маҳаллаларда янги бинолар қурилиб, аҳолига топширилмоқда.

МФЙ биносининг кенг ва ёруғ хоналари эса маҳаллага ташриф буюрган ҳар бир фуқаронинг кайфиятини кўтариш билан бирга, мурожаат билан келганларга қулайлик яратади.

# Тиббиёт бирлашмаси фойдаланишга топширилди

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ–465-сонли қарорига асосан, Инвестиция дастури доирасида 30 миллиард сўм маблағ эвазига Шовот тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонаси, олдинги туғруқхона бўлими ва аёллар маслаҳатхонаси бинолари мукаммал таъмирланди.**

Қабул диагностикаси, болалар, жонлантириш, умумий жарроҳлик ҳамда терапия бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, 122 ўринга мўлжалланган туғруқхона, уч қаватли 800 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника, лаборатория бўлими, умумий амалиёт блоки, тез тиббий ёрдам бинолари ҳамда автотураргоҳ ҳам янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Санъат Салаев, Шовот тумани ҳокими Ойбек Холбоев, сектор раҳбарлари, соҳа вакиллари, нуронийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашдилар. Тадбирда рамзий тасма кесилиб, биноларда яратилган шароитлар, замонавий, ёруғ ва шинам хоналар, беморлар учун муолажа хоналари ва қулайликлар кўздан кечирилди.

# Кўргазма ташкил этилди

**Бугунги кунда қурувчиларни қийнаётган муаммолардан бири – қурилиш материаллари ва техникаларнинг етишмаслиги, нарх-навонинг қимматлигидир. Шу каби масалалар ечимини топиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан қурувчилар ўртасида бевосита алоқаларни таъминлаш мақсадида вилоятда кўргазма ташкил қилинди.**

Кўргазмада республикамизда фаолият кўрсатиб келаётган, узоқ йиллардан буён ишончни оқлаган корхоналар ва уларнинг раҳбарлари билан тўғридан тўғри алоқа боғлаш имкони яратилди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмада замонавий техникаларни ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда маҳсулотлар тақдимоти ҳам намойиш этилди.

Шунингдек, кўргазма давомида йиғилганларга канализация қувурларидан чиқиб кетувчи оқава сувни қайта ишловчи махсус техникалар ёрдамида 95 фоизга тозалаш, ҳаттоки уни автомобилларни ювишда ишлатиш мумкинлиги, йўлларни таъмирлашда биттагина техника орқали эски асфальт қопламасини шу ернинг ўзида қайта ишлаб, янгидан асфальт қилиш имкони мавжудлиги кўрсатиб берилди.


“SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI” ДМ
8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ
МУБОРАК БЎЛСИН!


"QISHLOQQURILISHLOYIHA" МЧЖ ЖАМАОСИ
БАРЧА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ, УСТА-МЕЪМОР ВА БУНЁДКОРЛАРНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ
БИЛАН ҚУТЛАЙДИ!
ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ҚАДРЛИ ВАКИЛЛАРИ – ЮРТИМИЗ ЧИРОЙИНИ НАМОЁН ЭТИШДЕК ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРИНГИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН.
YANGI O'ZBEKISTON


ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШГА ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН ФИДОЙИ МЕЪМОРЛАР, МАЛАКАЛИ МУҲАНДИСЛАР, ҚУРУВЧИ ВА ЛОЙИҲАЧИЛАРНИ
БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ
БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!
ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН.
"ҚУРИЛИШДА МУҲАНДИСЛИК ҚИДИРУВЛАРИ, ГЕОАХБОРОТ, ШАҲАРСОЗЛИК КАДАСТРИ ЛОЙИҲА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ" МЧЖ ЖАМОАСИ


ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ
БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ, ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТЛИ ВА ФИДОЙИ БУНЁДКОРЛАР, МУҲАНДИСУ МЕЪМОРЛАРНИ
8 ДЕКАБРЬ –
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ
БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!
БАРЧАНГИЗГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, БАХТ ВА ОМАД, ЭЗГУ ИШЛАРИНГИЗДА ЯНГИДАН-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.


"O'ZSHAHARSOZLIK LITI"
·1928·
ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИ, МУҲАНДИСУ МЕЪМОРЛАРНИ
8 ДЕКАБРЬ –
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!
КЎРКАМ ЛОЙИҲАЛАР ЯРАТИШДАН, ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШДАН АСЛО ЧАРЧАМАНГ, ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР!
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI


БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Мафтункор диёримиз аҳлини ҳамда Ватанимиз ободлиги йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган бунёдкор элимизни
БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 31 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАСИ
билан самимий муборакбод этамиз!
Обод юртимиз бунданда гўзал, халқимиз турмуши янада фаровон бўлаверсин!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ


ЮРТИМИЗДА ЖАВЛОН УРИБ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН, ЖОНАЖОН ХАЛҚИМИЗНИНГ УЙЛИ-ЖОЙЛИ БЎЛИШИ УЧУН ЖОН КУЙДИРАЁТГАН ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ БАРЧА ВАКИЛЛАРИНИ
8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ
БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!
AMIR TEMUR
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ


НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Барча соҳа ходимлари ҳамда ватандошларимизни
8 ДЕКАБРЬ – БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 31 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАСИ
муносабати билан самимий муборакбод этамиз!
Обод юртимиз бундада гўзал, халқимиз турмуши янада фаровон бўлаверсин!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ


ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ
ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН БАРЧА
ҚУРУВЧИ ВА МЕЪМОРЛАРНИ
8 ДЕКАБРЬ –
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ
БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ!
ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА БЎЛИБ, КЎРКАМ БИНО
ВА ИНШООТЛАР БАРПО ЭТИШДАН
АСЛО ЧАРЧАМАНГ!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ
ZOOMLION


ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЖОНАЖОН ЮРТИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШАЁТГАН
БИНО-ИНШООТЛАР БУНЁД ЭТАЁТГАН БАРЧА ҚУРУВЧИ ВА
МЕЪМОРЛАР, МУҲАНДИСУ АРХИТЕКТОРЛАРНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ
31 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ.
МАМЛАКАТ РИВОЖИ
ВА ЮРТ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШ ЙЎЛИДА
ҲОРМАЙ-ТОЛМАЙ МЕҲНАТ ҚИЛИШИНГИЗГА
ТИЛАКДОШМИЗ.
КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

*Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир.*

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 76-модда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№97 (750) 2023 йил 8 декабрь

**СИРДАРЁДАН ДАРАКЛАР**

# Оқолтин туманининг бош режа лойиҳаси тақдимоти ўтказилди

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг мажлислар залида "O'zshaharsozlikLITI" давлат муассасаси томонидан ишлаб чиқилган Оқолтин туманидаги Андижон ва Фарғона шаҳарчасининг бош режа лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.**



Тақдимотда Андижон ва Фарғона шаҳарчасининг 2043 йилга режалаштирилган лойиҳасидаги ичимлик суви тармоқлари, оқова сув тармоқлари, электр, газ, бино-иншоотлар қурилиши, якка тартибдаги уй-жойлар, саноат зоналари, истироҳат боғлари, аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари ва бошқалар кўриб чиқилди.

Унда "O'zshaharsozlikLITI" давлат муассасаси раҳбари ўринбосари бошчилигида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасининг туман ва шаҳар бўлимлари ходимлари, вилоятдаги Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, "Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Сирдарё сув таъминоти" МЧЖ, "Ҳудудгаз Сирдарё" газ таъминоти ва бошқа тегишли ташкилотлар иштирок этишди. Қатнашчилар бош режа лойиҳасини кўриб чиқиб, ўз таклифларини ҳам билдиришди.

# Гулистонда "Ёшлар сайлгоҳи" қурилади

**Гулистон шаҳри марказидан оқиб ўтувчи "Дўстлик" канали атрофида "Ёшлар сайлгоҳи" қурилади. У истироҳат боғи билан яхлит ансамблни ташкил этади.**

Қарийб 9,5 гектар майдонда йигирмага яқин турли хилдаги объектлар жойлашади. Конференциялар зали, ёзги ва қишки амфитеатр, музей, замонавий кутубхона, аквапарк, болалар ўйингоҳи, теннис, футбол, баскетбол, волейбол, "Workout", "Streetbol" майдонлари, фитнес клуби, югуриш ва велосипед учиш учун алоҳида йўлаклар, фавворали хиёбонлар, боғ ва сайр зоналари, ресторан, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари шулар жумласидандир.

Сайлгоҳ лойиҳасининг умумий қиймати 120 миллион АҚШ долларига яқин бўлиб, қурилиш хорижий инвестиция иштирокида амалга оширилади. Худди шу масалада вилоят ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев Хитойнинг "Shaanxi Banghan Marketing Consulting" компанияси вакиллари билан учрашди. Ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ва инвесторлар учун яратилган қулай шароитлар ҳақида маълумот бериш билан бошланган учрашув давомида "Ёшлар сайлгоҳи" лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

Компания раҳбари Ванг Динг Чао амалга оширилиши режалаштирилаётган янги лойиҳада иштирок этиш ва қурилиш учун ажратилган ҳудудларни кўздан кечириш истагини билдирди. Якунда компания томонидан лойиҳага инвестиция йўналтириладиган бўлди.

# Таълим муассасаларининг мавсумга тайёргарлиги ўрганилди

**Сирдарё вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси, Гулистон шаҳар прокуратураси ва Фавқулодда вазиятлар бўлими масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ Гулистон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ҳамда 9-давлат мактабгача таълим ташкилотларида ўрганиш ишларини олиб борди.**

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим ташкилотларидаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари кўздан кечирилди. Синф хоналарининг ҳарорати, иссиқлик тизими, электр узатиш мосламаларининг хавфсизлиги назоратдан ўтказилди.

Шунингдек, Сардоба тумани Қўрғонтепа маҳалласида жойлашган 5-давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 16-умумтаълим мактабининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, хусусан, таълим масканларининг 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумга тайёргарлик даражаси, қозонхоналардаги шароитлар, кўмир ҳамда озиқ-овқат захиралари ўрганилди.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказишда зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан керакли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

# Янги ИЭС биринчи босқичи ишга туширилди

**Ширин шаҳри ва Боёвут тумани ҳудудида Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси томонидан барпо этилаётган, умумий қуввати 1500 МВт бўлган замонавий иссиқлик электр станцияси Ўзбекистоннинг ягона электр тармоғига уланди. Ҳозирги вақтда станция 120 МВт қувватни тармоққа узатмоқда.**






Жорий йилнинг якунига қадар станциянинг қуввати босқичма-босқич 1000 МВтга, 2024 йилнинг биринчи чорагида эса тўлиқ 1500 МВт қувватга чиқарилади. Станция тўлиқ ишга туширилгач, йилига 12 млрд кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Унда энг замонавий, энергия тежамкор технологиялар ўрнатилиши ҳисобига йилига 1,1 млрд метр куб табиий газ тежалади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, станция қурилиши давомида 2000 нафаргача одам иш билан таъминланган бўлса, ишга тушганидан кейин бу ерда 120 та янги иш ўрни яратилади.

# Ноқонуний қурилмалар аниқланди

**Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси раҳбарияти, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси, Сирдарё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими ва бошқарув сервис компанияси вакиллари иштирокида ўрганиш ишлари олиб борилди.**





Унда Сирдарё тумани Тинчлик маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйларнинг туташ ҳудудларида фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан ўраб олиш, кўп қаватли уйларни ташқи томонидан эшик очиш ҳолатлари ҳамда ноқонуний қурилмалар қуриш ҳолатлари кўздан кечирилди.

Мутахассислар томонидан Тинчлик маҳалласидаги жами 16 та кўп қаватли уй ўрганилиб, фуқароларнинг ноқонуний равишда кўп қаватли уйнинг ташқи қисми ҳамда туташ ҳудудларидан эшик очиб олиш ҳолати бўйича 17 та, туташ ҳудудни ўраб олиш (ҳовли қилиб олиш) 15 та ва туташ ҳудудда ноқонуний равишда ҳожатхона қуриб олиш бўйича 3 та ҳолат аниқланди.

Шу билан бирга, инспекция ходимлари томонидан фуқароларга ўзбошимчалик билан қўшимча қурилмалар қуриб олиш мумкин эмаслиги тушунтирилиб, 9 нафарига огоҳлантириш хати берилди. Фуқаролар томонидан ўз хоҳиши билан қўшимча қурилишларини олиб ташлашлари, акс ҳолда маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги айтилди.

Шунингдек, 16 та кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи мулкдорларга уйнинг атрофларида ўзбошимчалик билан қўшимча қурилмалар қуриш мумкин эмаслиги бўйича "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 159-моддасида кўрсатилган қонун бузилишлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

# Кўп қаватли уйлар таъмирланди

**Гулистон шаҳри 4-мавзе Бўстон маҳалласида жойлашган 27-сонли кўп қаватли уйда истиқомат қилаётган мулкдорларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида "Истиқлол коммунал таъмир хизмати" Бошқарув сервис компанияси томонидан ушбу кўп қаватли уйнинг кириш йўлаклари таъмирдан чиқарилди.**

Жумладан, кўп қаватли уйнинг кириш йўлакларидаги девор қисмида сувоқ ишлари бажарилиб, фрамуга ойналари таъмирланди. Шу билан бирга, кириш йўлагидаги зиналар ва зина тутқичларига ранг берилди. Ертўла қисмига кириш эшиги ва кириш йўлагидаги темир эшиклар таъмирланди. Ҳозирда "Истиқлол коммунал таъмир хизмати" Бошқарув сервис компанияси томонидан кўп қаватли уйларни таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Бундан ташқари, Ховос туманидаги Сайқал кўчасида жойлашган 13-сонли кўп қаватли уйда истиқомат қилаётган мулкдорлар уйнинг том қисмидан ёғингарчилик пайтида сув ўтаётганлиги бўйича Ховос туман Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими ходимларига мурожаат этишган. Мутахассислар ва Бошқарув сервис компанияси ходимлари биргаликда Сайқал кўчасидаги 13-сонли кўп қаватли уйнинг том қисмини сув сизиб кираётган жойларини таъмирлаб беришди.




**"Respublika mulk markazi" МЧЖ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ**

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**Аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 13 ноябрдаги 02/24-499-сонли келишув хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари чиқарилмоқда:**

Элликқалъа тумани, Гулдирсин кўчаси, 8-уйда сақланаётган, 2010 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 403 ВАА бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "МАТИЗ" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 6 129 000 сўм.

Қонликўл тумани, Бахытли кўчаси, рақамсиз уйда сақланаётган, 2013 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 634 НАА бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "ДАМАС" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 8 005 000 сўм.

Тахиатош тумани, Маданият кўчаси, 115-уйда сақланаётган, 2009 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 024 FBA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "ДАМАС" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 7 020 000 сўм.

Тўрткўл тумани, "Гулистон" МФЙда сақланаётган, 2013 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 958 GAA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "ДАМАС" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 8 005 000 сўм.

Нукус тумани, Дарсан кўчаси, 9-уйда сақланаётган, 2012 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 016 JAA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "ДАМАС" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 7 506 000 сўм.

Беруний тумани, Тўрткўл шоҳ кўчаси, рақамсиз уйда сақланаётган, 2016 ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 686 NAA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "LADA НИВА 2131001252" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 14 766 000 сўм.

**Аукцион савдо 2024 йил 8 январь куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдо бўлиб ўтадиган санадан бир кун олдин соат 18.00 тўхтатилади. Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган мулклар билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 7005 7145 2012АТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.

**Тел.:** 61-222-84-44.

**Расмий сайтимиз:** www.rmm.uz

# ТАҚУ талабаси жаҳон чемпиони

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Инсонлар борки, бутун ҳаёти давомида мустаҳкам интизомга амал қилишни ёқтиради. Айниқса, спортчилар. Чунки ирода ва интизом сабабли инсон кўп натижаларга эришиши мумкин. Бугунги қаҳрамонимиз ҳам 13 йилдан бери спорт билан мунтазам шуғулланадиган, яқинда ўтказилган уч кураш бўйича жаҳон чемпиони – Акмал Акрамовдир.**



Акмал 2000 йил Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида туғилган. Оиласида спортга қизиқиш юқори бўлгани сабабли, у ҳам ёшлигидан асосий вақтини спорт тўгаракларида ўтказади. Шу билан биргаликда бошқа фанлардан ҳам аъло баҳоларга ўқиди. 7-синфдан ўқишини Тошкентда давом эттирган Акмал Республика Олимпия захиралари коллежини тамомлаб, имтиёз асосида Тошкент архитектура-қурилиш университетига ўқишга қабул қилинди. Университетда ўқий бошлагач ҳам спортни ташлаб қўймади. Спортчи талаба мусобақалар пайтида университет маъмурияти томонидан керакли шароит яратиб берилаётганини алоҳида таъкидлаб, шундай деди:

– Ютуқларимда оиламнинг, устозларимнинг, ўзим ўқиётган ТАҚУнинг ҳам ҳиссаси катта, деб ўйлайман. Мусобақа пайтларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туришлари менга катта куч беради. Спортчи учун атрофдаги яқинларининг ишончи жуда муҳим. Ушбу ютуғим ҳам барча яқинларимнинг, жумладан, ТАҚУнинг ҳам ғалабаси, деб бемалол айта оламан. Спортдаги ютуқларим алоҳида мавзу, аммо ўқиб, келажакда ўзим танлаган касбнинг малакали мутахассиси сифатида юртимиз бунёдкорлик соҳасига муносиб ҳисса қўшишни ҳам ўз бурчим деб биламан.

Дарҳақиқат, Акмалжоннинг университетдаги фаоллиги фақатгина спорт билан чекланиб қолмаган. Баҳолари ҳам чакки эмас. Устозлари унинг зеҳни ўткирлиги, маълумотларни тез илғаб олишини, босиқ ва вазмин феълини алоҳида эътироф этишди. Келгусида ундан нафақат спортда, балки юртимиз қурилиш ва архитектура соҳасида ҳам улкан натижаларга эришишини кутишларини айтишди.

Соғлом танда соғлом ақл, деб бежизга айтишмайди. Акмал мусобақаларга тайёргарлик кўриш жараёни ҳақида ҳам ўртоқлашди.

– Аввало, ҳамма оддий одам. Сиз қандайдир натижани қўлга киритсангиз, атрофдагиларга бунга эришишнинг сирли томони бордек туюлади. Инсон доимий амал қиладиган интизоми билан кўп нарсага эриша олади. Бу тўғри овқатланиш, сифатли уйқу режими, ортиқча нарсаларга чалғимасликдир. Мусобақага фақат жисмонан тайёргарлик етарли бўлмайди. Ҳамиша жанговор, кўтаринки кайфиятни сақлаб туриш керак. Кучли жисмоний тайёргарлик кўриш ҳам руҳиятни кўтаради. Энг катта руҳий кучни оила аъзоларим билан суҳбатлашганда оламан. Ҳар гал мусобақага кетиш олдидан дадам билан гаплашаман. Дадам "Мен сенга ишонаман, сен биринчи рақамли спортчисан" деб қаттиқ уқтиради. Ичим ёниб, ўзимни бардам ҳис қиламан. Бу руҳиятимни бир неча поғона кўтаради. Шу сабаб, ҳар доим ота-онам ишончини оқлаш асосий вазифам бўлиб қолади. Жаҳон чемпиони бўлган лаҳзамда биринчи ота-онам кўз олдимга келди. Бу ҳолатни сўз билан тушунтириш қийин...

Қаҳрамонимиз билан суҳбат давомида барча спортчилар каби унда ҳам ватанпарварлик ҳисси юқори эканига гувоҳ бўлдик. Тўғрида, ватанни севган инсонгина унинг шаънини муносиб ҳимоя қила олади. Конституциямизда ҳам қайд этилганидек, ёшларга сифатли таълимни ташкил қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш давлатимизнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги қатор ислоҳотлар натижасида ёшларнинг жаҳон ареналарида юртимиз байроғимизни баланд кўтараётгани барчамизга ғурур бағишлайди. Ўйлаймизки, бугунги натижалар улкан марралар олдида кичик бир дебоча, холос. Акмалжон каби чемпион ёшлар кўпаяверсин, деймиз.

# Bolalarga ingliz tilini o‘rgatish usullari

**Nigora URALOVA,**
Jizzax davlat pedagogika universiteti o‘qituvchisi.

**Hozirgi kunda xorijiy tillarni bilish ko‘nikmasi ta’limning ajralmas qismiga aylandi. Barcha davlatlar singari O‘zbekistonda ham xorijiy tillarni, jumladan, ingliz tilini o‘rgatishga katta ahamiyat qaratilmoqda. Bu borada bir qator tegishli qonun va farmonlar qabul qilingan. Mazkur hujjatlarda chet tillarini o‘rganishni ommalashtirish, xorijiy hamda mahalliy hamkorlar bilan aloqa o‘rnatish, maktabgacha ta’lim tashkilotlarini o‘z ichiga olgan ta’lim-tarbiyani yo‘lga qo‘yish, shuningdek, maktabgacha ta’lim yoshida bo‘lgan bolalarni intellektual, ma’naviy-axloqiy, estetik jihatdan rivojlantirish kabi bir qator ustuvor yo‘nalishlar haqida so‘z yuritiladi.**



Til o‘rganish uzoq vaqt talab qiladigan murakkab jarayon bo‘lib, o‘qituvchi va ota-onalardan katta e’tibor talab qiladi. Ingliz tilini o‘qitish amaliyotida ko‘plab o‘quv qo‘llanmalar, uslubiy ishlanmalar va turli o‘yinlarni o‘tkazish uchun materiallar qo‘llaniladi. Dars jarayonida maktabgacha yoshdagi bola tez-tez faoliyatni o‘zgartirishga muhtoj bo‘ladi, chalg‘iydi. Bu uning til o‘rganishga qiziqmaganidan emas, balki miyasi charchaganidan. Bu vaziyatda eng yaxshi dam olish – bu albatta, chet tili bilan bog‘liq bo‘lgan jismoniy mashqlardir. Bu qofiya yoki shunchaki buyruqlarning bajarilishi ham bo‘lishi mumkin.

Yosh bolalarga ingliz tilini o‘rgatish vaqtida didaktik o‘yinlardan foydalanish samarali natija berib, ingliz tilida so‘zlashish xususiyatlarini rivojlantirishga sabab bo‘ladi. O‘yin shunday kuchga egaki, u nafaqat bolalarning kayfiyatini ko‘tara oladi, balki ularga xorijiy tilni o‘rganishda ruhiy kuch ham bag‘ishlaydi. Dars davomida har xil o‘yinlar o‘ynatib turish fanni o‘rganishga bo‘lgan ishtiyoqni yanada oshiradi. Darsda qatnashmay o‘tirgan bolalarni ham yaxshiroq qatnashishga undaydi va sinfda o‘quvchilar o‘rtasida raqobat, jamoadoshlik muhitini hosil qiladi. Shuningdek, maktabgacha yoshdagi bolalarning ustozlariga bo‘lgan hurmatini oshiradi.

Har bir bolaning ichki dunyosida qiziquvchanlik birinchi o‘rinda turadi. O‘yin bolaning asosiy va sevimli mashg‘uloti hisoblanadi. Masalan, she’r aytish, raqsga tushish orqali bolaga ta’lim o‘rgatilsa, yetarlicha samara beradi. Agar ingliz tilini harakatlar orqali amalga oshirsak, biz kutgan natijani beradi. Bolada ingliz tili nutqini oshirish uchun o‘z ona tilida muloqotni kamaytirish va urg‘uni ingliz tiliga berish kerak. Maktabgacha yoshdagi bolalar aynan o‘yin orqali ta’lim oladilar. O‘yin orqali ta’limga erishish uchun bolada, avvalo, ko‘rish va eshitish sezgilarini kuchaytirish kerak. O‘yin texnikasining asosiy afzalligi shundaki, u har qanday yoshdagi bolalar uchun moslashadi, uning yordamida siz og‘zaki nutqni, grammatikani va imloni ham rivojlantirishingiz mumkin.

Xulosa qilib aytganda, ingliz tili darslarida innovatsion usullarni qo‘llash o‘quvchilarning mantiqiy va mustaqil fikrlash qobiliyatini, og‘zaki nutqini ravonlashtiradi. Bundan tashqari, tez va aniq javob berish malakasini ham shakllantiradi.

# ЮРТИМИЗ МЕЪМОРЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ



**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги осмонўпар, салобатли, кўркам дизайнли биноларни кўриб инсоннинг баҳри дили очилади. Аммо бундай биноларни бунёд этиш ҳам осон иш эмас. Бино ва иншоотларнинг қай даражада қулай ҳамда мукаммал қад ростлашида қурувчилар билан бирга архитекторларнинг ҳам ўрни бениҳоя каттадир. Бу борада Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси – юртимиз меъморларини ҳамжиҳатликка чорлаб, улар учун ўзаро тажриба алмашиш майдонини яратиб берувчи ташкилот сифатида фаолият юритиб келмоқда.**

Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси 1934 йилда СССР Архитекторлар уюшмаси таркибида ташкил этилган. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг мустақил нодавлат нотижорат жамоат ташкилоти ҳисобланади. Мазкур уюшманинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

миллий меъморчиликни ривожлантиришга фаол ёрдам бериш;

архитектура, тарихий-маданий мерос ва табиий муҳитни асраб-авайлашга кўмаклашиш, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва улардан фойдаланиш;

профессионал ҳамжамиятни бирлаштириш, Меъморлар уюшмаси аъзолари манфаатларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш;

архитектор касбини оммалаштириш, нуфузини ошириш, архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги ижодий ютуқларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

архитектурага ва шаҳарсозликка оид қонунлар, меъёрий ҳужжатлар давлат органларининг қарорлари ҳамда фармойишлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда таклифлар киритиш ва иштирок этиш;

архитектура фаолияти қоидалари, нормалари ва меъёрларига риоя этилишини такомиллаштириш, рағбатлантириш ва назорат қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ёш архитекторларни узлуксиз касбий ривожланиши учун малакасини оширишда қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

республика ва халқаро архитектура кўрик танловлар, фестиваллар, кўргазмалар, конференциялар, семинарлар ва маҳоратли усталар сабоқлари ўтказишни ташкил этиш;

Меъморлар уюшмаси номидан давлат мукофотлари, мукофотларга ва фахрий унвонларга номзодларни кўрсатиш.

Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси ҳар йили архитектура, дизайн ва шаҳарсозлик соҳасидаги энг яхши қурилиш, лойиҳалар, илмий ишлар, энг яхши талабалар лойиҳаси бўйича кўрик-танлов ўтказиб келади. Ушбу танловларнинг натижалари бўйича мукофотларни топшириш октябрь ойининг биринчи душанбасида – Бутунжаҳон архитектура кунида бўлиб ўтади. Жорий йилда ҳам ушбу танлов ўтказилиб, муносиб номзодлар ғолиб деб топилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 11-15 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси ва Халқаро Архитекторлар уюшмалари ассоциацияси ҳамкорлигида Архитектура фестивали бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Унда 40 дан ортиқ юқори малакали хорижлик меъморлар, жумладан, хорижий давлатлар архитекторлар уюшмалари раислари иштирок этишди. Мазкур фестиваль қурилиш соҳасини ривожлантириш бўйича инновацион тадқиқотлар, архитектура, дизайн, шаҳарсозлик йўналишларини такомиллаштириш, бино ва иншоотларни лойиҳалашда замонавий қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларни татбиқ қилиш борасида атрофлича фикр ва тажриба алмашиш майдони бўлиб хизмат қилди. Қолаверса, маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг энергиятежамкор биноларни лойиҳалаш, қуриш, геодезия, картография ва кадастр соҳаларини ривожлантириш, меъморчилик анъаналарини кенг қўллаган ҳолда бино ва иншоотларни барпо этиш борасидаги таклиф ва тавсиялари, шу билан биргаликда, янги замонавий, инновацион технологиялар асосидаги ишланмалари намойиш этилди.

Мазкур уюшма аъзолари бир даврда фаолият олиб бораётган ҳамкасблари билан мулоқотда бўлиб, ўзаро тажриба алмашиб туриш имкониятига эга бўлишади. Бундан ташқари, аъзоларига уюшма томонидан муаммоли вазиятларда ҳуқуқий маслаҳатлар ва амалий ёрдам берилиши ҳам режа қилинган. Уюшмага аъзо бўлиш учун эса номзод камида 2 та лойиҳанинг муаллифи ҳамда бош архитектори бўлиши талаб этилади.

– Олийгоҳни тамомлаган ёш меъморларнинг ҳеч бўлмаганда 3-4 йил лойиҳалаш ишларида фаолият юритиши кераклигини таъкидлаган бўлардим, – деди Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси раиси Азамат Тўхтаев. – Чунки бу босқич ҳар бир бошловчи соҳа вакили учун жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Бошқа соҳалар каби архитектурада ҳам устоз-шогирд анъанасига мувофиқ иш олиб борилса, жуда мақбул бўлади. Ҳозирда уюшма томонидан ёшларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган лойиҳалар ҳам амалга оширилиш арафасида турибди. Бунда юртимиздаги ва халқаро майдондаги энг тажрибали меъморлар билан суҳбатлар, маҳорат дарслари ташкил этилиши кўзда тутилган. Мақсадимиз – ёшларни етук мутахассис бўлиб етишиб, соҳа равнақига ҳисса қўшишига замин яратиб беришдир.

2002 йилдан буён Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси 1948 йилда ташкил этилган ва дунёнинг 130 та давлати меъморларининг профессионал уюшмаларини бирлаштирган Халқаро Архитекторлар уюшмасининг аъзоси ҳисобланади. Ҳар тўрт йилда бир марта ушбу ташкилот томонидан турли давлатларда Халқаро конгресслар ўтказилади. Навбатдаги конгресс жорий йилнинг июнь ойида Дания пойтахти Копенгагенда бўлиб ўтди. Конгресс ишида Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасидан республикамизнинг етакчи меъморлари иштирок этишди.

Уюшма 1992 йилда ташкил этилган МДҲ давлатлари, Грузия, Молдова, Украина ва Сербия меъморларининг профессионал ташкилотларини бирлаштирган Халқаро Архитекторлар уюшмалари ассоциациясининг аъзоси ҳам ҳисобланади. Ҳар йили Халқаро Архитекторлар уюшмалари ассоциациясининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлислари доирасида энг яхши бинолар, лойиҳалар, архитектура тарихи ва назарияси, шаҳарсозлик, дизайн соҳасидаги илмий ишлар, энг яхши талаба ишлари учун танловлар ташкил этилади. Ўзбекистон меъморлари ҳам ушбу танловларда фаол иштирок этиб, ҳам лойиҳалар, ҳам барпо этилган бинолар бўйича танловлар лауреати бўлиб юртимизга ёруғ юз билан қайтишмоқда. Халқаро Архитекторлар уюшмалари ассоциациясининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишлари ҳар йилда бир маротаба ушбу Кенгашга аъзо бўлган мамлакатларда ўтказилади.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси мамлакатимизда жадал равишда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини қўллаб-қувватлашда давом этади. Республикамизнинг шаҳарсозлик ва меъморчилик соҳасида эришаётган муваффақиятларидан меъморлар аҳлини бохабар этишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади.

# БОШ ҚОМУСИМИЗ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН

**Муродхон ҲОЖИХОНОВ,** Самарқанд вилояти "Автомобиль йўлларидан фойдаланиш" унитар корхонаси директори.



**Мамлакатимизда янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин фуқароларимиз ўртасида Бош қомусимиз ва унинг моддаларини ўрганиш иштиёқи кучли. Негаки, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, умуминсоний қадриятлар, давлат суверенитети принципларига содиқлик, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ғояларига садоқатимиз, инсон, унинг шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида юксак масъулиятимиз ифода эттирилган.**

Конституциямиз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро тотувликни таъминлашни мақсад қилган. Янгиланган Конституциянинг 49-моддасида шундай жумлалар бор: "Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради".

Корхонамиз бир неча ишлаб чиқариш цехларига, асфальт заводига эга. Йўл қурилиши учун зарур материаллар ўзимизда тайёрланмоқда.

Кейинги йилларда Самарқанд шаҳри ва бир қатор қишлоқлар ободончилигида, ижтимоий инфратузилмаси ривожлантирилишида муносиб иштирок этдик. Жумладан, Самарқанддан Имом ал-Бухорий мажмуасига бориладиган йўл, Афросиёб кўчаси, Самарқанд халқаро аэропортининг учиш-қўниш йўлагини қайта қуриш, шунингдек, шаҳарнинг бир қанча ҳудудларини, хусусан, Фарҳод қўрғонини ободонлаштиришда корхонамиз жамоаси иштирок этди. Бундай ишларни бажаришда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига қатъий амал қиляпмиз. Айни пайтда вилоятдаги халқаро ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 385 километрлик йўл эксплуатацияси корхонамиз назоратида.

Бош қомусимизнинг учинчи бўлимида жамият ва шахс, жамиятнинг иқтисодий негизлари ҳақида баён этилган. Масалан, 65-модда фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган. Унда "Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди", дейилади. Яна бир моддада эса мулкдорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши кўрсатиб берилади. Мол-мулкдан фойдаланишда атроф-муҳитга зарар етказмаслик, бошқа шахслар ҳамда жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини бузмаслиги кераклиги алоҳида таъкидланади.

Айтиш керакки, амалдаги Конституциямизнинг халқчиллиги, демократик принципларга асосланганлиги, адолат ва эркинликни ҳамда бошқа муҳим жиҳатларни ҳимоя қилишга қаратилгани эътиборлидир.

*Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.*

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 66-модда.



# “Яхши ният билан астойдил ҳаракат қилса, ҳамма нарсага эришиш мумкин”

## – дейди тажрибали қурувчи Дилмурод Мадатов



**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қаҳрамонимиз салкам 40 йиллик умрини қурилиш-муҳандислик соҳасига бағишлаган Дилмурод Мадатовдир. У киши суҳбатимиз аввалида “Мақола мен ҳақимдами?” деб самимий ҳайратини ҳам яширмади. Бухоро ҳикматли тупроқ. Буни одамларидан ҳам билиш қийин эмас. Сабаби, бу заминда кўплаб улуғ инсонлар яшаб ўтган. Зотан бу инсоннинг кўзларида ҳам аллақандай жонли ғоялар сузиб юрганга ўхшайди. Шижоат ва интилишлари юқорилиги бир қарашда сезилади.**

Дилмурод Мадатов Бухоро вилоятининг Жондор туманида таваллуд топган. Ёшлигидан ҳаракатчанлиги ва қизиқувчанлиги туфайли бошқалардан ажралиб турган. Ёш Дилмурод аввалига темир йўл конструкциялари, темир йўллар қурилиши соҳасига қизиқади. Ҳатто ушбу соҳада ўқишни ҳам ният қилган. Бу соҳада ўқиш насиб қилмасада, тақдир унга ҳақиқий касбини топишда кўмаклашди. 1978 йил мактабни тамомлаб, Тошкент политехника институтининг Навоий филиалига ўқишга кирди. Ўқишдаги аъло баҳолари, босиқ ва вазмин феъли билан атрофдагиларнинг ҳурматини қозонди. 1983 йил олийгоҳнинг қурувчи-муҳандислик йўналишини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Навоий вилояти архитектура ва қурилиш бошқармасида бошлади. Қисқа вақт ичида назарий билимларини амалиётга татбиқ қилган Дилмурод Мадатов раҳбарликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Шу йиллар мобайнида ишлаб чиқариш, маиший объектлар қурилишида бевосита иштирок этиб, ўз салоҳиятини кўрсатди. Зарафшон қурилиш бошқармасидаги фаолияти ҳам анча самарали кечди. Айниқса, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Учқудуқ олтин кони қурилишида директор ўринбосари сифатида катта масъулиятни ўз зиммасига олганди. Дилмурод Мадатов қаерда фаолият кўрсатса ҳам, виждонан ишлаши, соҳа сир-асрорларини чуқур ўзлаштиргани яққол кўзга ташланади.

Йиллар давомида эришилган ютуқлар қаҳрамонимизнинг хотиржамлигига эмас, янада ўсишига туртки бўлди. Навоийдаги сўнгги йиллар шуни кўрсатадики, инсон оиласи, фарзандларидан олисда тўкис бахтни туёлмайди. Фарзандларнинг пойтахтда яшаши, набиралар соғинчи бир инсон ҳаётида янги марралар учун замин ҳозирлади. Шу сабаб, пойтахтда ишини давом эттириш истаги пайдо бўлди. Дилмурод аканинг Тошкентдаги илк фаолияти 2018 йил “Perspektiva invest stroy” қурилиш компаниясида бошланди. Турк компаниясидаги фаолиятининг иккинчи йилида лойиҳалар якунланиш арафасида “Xon Saroy” қурилиш компаниясидан таклиф тушди. Қалбида “Мен ўзбекман” деб яшайдиган ғурурли инсон учун юртдошлари билан ишлаш, бирга ривожланиш энг тўғри йўл эди. Дастлаб бош муҳандис вазифасида иш бошлаган бўлса, бугунги кунда қурилиш компаниясининг Техник назорат бўлими раҳбари сифатида фаолият юритмоқда. Қарийб беш йил ичида “Xon Saroy” ҳам, Дилмурод Мадатов ҳам қанчалик ўсгани қўлга киритилган ютуқлару йирик лойиҳаларда ҳам кўриниб турибди.

### НЕГА БИЗ БЎЛМАСЛИГИМИЗ КЕРАК?

Компаниядаги муваффақиятли фаолияти ва соҳа ривожи ҳақида суҳбатлашарканмиз, Дилмурод Мадатовнинг ўз қадриятига эга инсонлигига яна бир бор амин бўлдик.

– Ҳозир “Xon Saroy” компаниясида кўпроқ турар жойлар қуряпмиз. Бир қарашда харидоргир кўринадиган бу йўналиш катта жавобгарликни ҳам талаб қилади. Сиз минглаб инсонлар тақдирини савол остига қўя олмайсиз. Шу сабаб, ҳар бир кичик деталь учун қаттиқ туришга мажбурмиз. Айтайлик, битта симни хато боғлаб қўйишингиз, битта детални тўғри ўрнатмаслигингиз оқибатида бутун бошли технология, бинонинг мустаҳкамлиги, зилзилабардошлиги камаяди ёки лойиҳа талабига тўлиқ жавоб бермай қолиши мумкин. Қурувчи-муҳандис анча олдинни кўриши, ишни белгиланган муддатда битишини таъминлаши керак. Бетонни олдиндан фалон кунга, деб буюртма бериш учун ишни ҳам шунга мувофиқлаштириб олиб боришингиз, об-ҳаво билан ҳам ҳисоблашишингиз шарт. Сўнгги йилларда одамларда янги уйларга нисбатан ишончсизлик юқори. Совет даврида қурилган уйлар хавфсизроқ, деб ўйлашади. Аммо бу хавотирлар қурилишни бизнес, деб қарайдиганлар туфайли пайдо бўляпти деб ўйлайман. Бугун асл қурувчилар аввалгидан анча сифатли ва тез ишлашяпти. Совет давридан бери қурилиш соҳаси анча ривожланди, қурилиш материаллари такомиллашди. Нега биз шунча имконият билан 40 ёки 50 қаватли бинолар қурмаслигимиз керак? Яна бир жиҳат шуки, барча йирик лойиҳаларда асосан чет эл компанияларига таяниб қолганмиз. Нега биз улардек ёки улардан зўр бўлмаслигимиз керак?! Инсон чин дилдан ҳаракат қилса, ҳамма нарсанинг уддасидан чиқади. Шу сабаб, янги давр қонуниятларини тезкор ўзлаштиришимиз, замонавий технология имкониятларидан усталик билан фойдаланишимиз керак.

### БРЕНДМИ Ё СИФАТ?

“Xon Saroy” сўнгги йилларда шиддат билан ривожланаётган, тармоқлари кенгайиб бораётган қурилиш компаниясидир. Муваффақият омилини қаҳрамонимиз қуйидагича ифодалади:

– Мен қўрқмайман. Нимадан? Масалан, қурилиш бозоридаги таклиф қилинаётган замонаваий автоматлаштирилган муҳандислик тармоқларига ўрнатилаётган жиҳозларни бино ва иншоотларимизга ўрнатишдан, янги инновацион қурилиш маҳсулотлари ва жиҳозларидан фойдаланишдан, қиммат қурилиш маҳсулотларини сотиб олишдан, меъёрига етмаган ишни қайта бажаришдан... Ортингизда молиявий қўллаб турадиган, танловингизга ишонадиган раҳбар бўлса, иш сифатли бўлади. Биз ҳар куни изланишдамиз. Таниқли брендлар ҳар доим бизнинг танловимиз бўлавермайди. Чунки баъзан оддий корхоналар чиқарган маҳсулотлар ҳам ўта сифатли бўлади. Биз қурилиш маҳсулотларининг сифати талабга жавоб берса, бренд маҳсулотлардан қиммат сотса ҳам уни оламиз. Бизнинг вазифамиз ишни сифатли тамомлаш, қанча сарф қилишимиз иккинчи масала. Бир сўз билан айтганда, энг замонавий, сифатли хомашё ишлатишимиз – энг асосий ютуғимиз. Ана шунда халқимизга мустаҳкам, сифатли, замонавий, чиройли ва узоқ вақтгача чидамли хизмат қиладиган биноларни қуриб берамиз.

### ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Қурилишдаги энг қийин давр ҳақида суҳбатдошимиз фикрига қизиқдик. Унинг айтишича, қурилишдаги энг қийин давр бинонинг пойдеворини тиклаш жараёнидир. Агар пойдевор мустаҳкам бўлса, ишлар беш бўлади.

– Пойдеворни муваффақиятли топширсам, хотиржам бўламан, – деди Дилмурод Мадатов. – Хоҳласангиз, устига 50 қават қурмайсизми, мен керакли ишни қилдим, деб қувонаман. Чунки асосий юкни пойдевор кўтаради. Халқимизда “Пойдевор мустаҳкам бўлса, бино шунча кўп яшайди” деган гап бекорга айтилмаган. Қурилишда яна бир муҳим жиҳат – малакали ишчиларни жалб қилишдир. Агар ишчи ва муҳандис кадрлар тажрибали бўлса, ҳар бир вазифани вақтида ва сифатли бажаради. Ишлаб чиқариш ва самарадорлик ошишини белгиловчи факторлардан бири меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланишдир. Бунда техник самарадорлик ҳам катта ўринга эга. Шу ерда бир нарсани айтмоқчиман, ҳеч кимга сир эмас ёшларимизни касб-ҳунарга ўргатишга, унга қизиқишини орттиришга катта эътибор қилиш, уста-шогирд анъаналари ва мактабларини такомиллаштиришга эҳтиёж кучайиб боряпти. Айниқса, қурилиш соҳасидаги касбларга нисбатан талаб кўп. Ёшларимизни кўпроқ касб-ҳунар олишга жалб қилиб, уларни тажрибали мутахассисларга бириктириб тажриба алмашсак, ўргатсак фойдадан холи бўлмайди. Малакасиз ишчилар билан ишлаш қурилишда меҳнат сарфини, меҳнат миқдорини кўпайтиради ва бажариладиган иш шунча узоққа чўзилади. Ишнинг асоси айнан шу қисмда, самарадорликни оширишда, деб ўйлайман.

Суҳбатимиз якунида қаҳрамонимиз инсоннинг муваффақияти ва бахти нимага боғлиқ экани ҳақида ҳаётий хулосалари билан ўртоқлашди:

– Аввало, атрофингиздаги одамлар сизни тушуниши керак. Инсон ёлғизлашгани сайин кучсизлашиб боради. Бахт инсонлар муваффақиятидан қувона олишда, ўз фикрларингга қарши бормасликда, деб ўйлайман. Оилавий хотиржамлик булар орасида энг муҳими. Оиланг тинч бўлмаса, ҳамма нарсага таъсир қилади. Ҳозир касбимдан мамнунман, ҳар куни янги нарса ўрганишга ҳаракат қиламан. Шу ёшда нимага керак, дейишингиз мумкин. Аммо феълим шундай – энг янги технологияларни ўзлаштиришга, қўллашга қизиқаман. Асосийси, яхши ният қилиб, астойдил ҳаракат қилса, ҳамма нарсага эришиш мумкин.

# Швецияда дунёдаги энг катта ёғоч шаҳар барпо этилади



**“Atrium Ljungberg” компанияси Швеция пойтахтида “Stockholm Wood City” – ёғочдан ясалган дунёдаги энг йирик шаҳар қурилиш лойиҳасини тақдим этди. Мазкур лойиҳа бўйича қурилиш ишлари 2025 йилда бошланиши кутилмоқда. Шунингдек, илк бинолар 2027 йилда қуриб битказилиши режа қилинган. Ушбу ташаббусни Швеция давлати салоҳиятининг намойиши ҳам, дейиш мумкин.**

“ArchDaily” архитектура платформасининг маълум қилишича, 250 минг квадрат метр майдонни эгаллайдиган дунёдаги энг йирик ёғоч шаҳарни лойиҳалаш ишлари ҳозирда ҳам давом этмоқда. “Stockholm Wood City” эътиборга сазовор архитектура ва шаҳарсозлик намунаси бўла олади. Стокгольм жанубидаги Сискла шаҳрида жойлашган ушбу инновацион ҳудудда қўшимча 2 000 та уй ва 7 000 та бизнес учун жой ҳам бўлади. Ишхоналар, уйлар, маҳаллалар, тамаддихоналар ва савдо майдончаларини бирлаштириб, серқатнов ва гавжум шаҳар муҳитини яратиш кўзда тутилган.

Ёғоч бинолар атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги учун жуда фойдали. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ёғочдан қилинган бино ва иншоотлар юқори ҳаво сифатига эгалиги, стресс даражасини пасайтириб, инсоннинг ишчанлигини ошириши ва карбонат ангидридни ўзига олиши мумкин. Ёғоч бинолар юқорида саналган афзалликлардан ташқари, экологик томондан ҳам фойдали. Лойиҳа дизайнида мамлакат учун муҳим бўлган энергия таъминотида тикланувчи энергия манбаларига эътибор қаратилади. “Atrium Ljungberg” компанияси ресурсларни тежайдиган қурилиш техникаси ва хомашёлардан фойдаланишга аҳамият қаратишини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Гарчи баъзи экспертлар ёғоч биноларда келиб чиқадиган ёнғин хавфидан ташвишланаётган бўлишса-да, лойиҳага масъул вакилларнинг таъкидлашича, унда фойдаланиладиган ёғоч материаллари нисбатан секин ва олдиндан билиш мумкин бўлган тезликда ёнади. Бу эса уни оддий пўлат конструкцияларга қараганда хавфсизлигини оширади. Шу билан бирга, бундай катта кўламда амалга ошириладиган қурилиш ўрмонларнинг кесилишига олиб келмаслик учун барқарор ёғоч плантацияларини талаб қилади. Бироқ бу Швеция учун муаммо туғдирмайди, чунки мамлакат ерларининг деярли 70 фоизи ўрмон билан қопланган.

**“O'zbekiston bunyodkori” мухбири Муродбек ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

# *Туғилган кунингиз муборак бўлсин!*

## *Декабрь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган*

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг компьютерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техниги **Шоҳруҳ Пирназаров,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi” DM етакчи мутахассиси **Ғиёсбек Қамбаров,**

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бош мутахассислари **Фурқат Сафаров, Жасур Ҳамидов,**

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Мастер режаларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Илҳом Жўраев,**

“Ташгипрогор” АЖ 2-сонли дизайн сектори муҳандиси **Алишер Шамуратов,** электр тармоқлари сектори муҳандиси **Абдувоҳид Аминжанов,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Самариддин Зокиров,**

“O'zog'irsanoatloyiha” АЖ архитекторлари – **Саидаббос Турарходжаев, Шалола Исматуллаева,** муҳандис **Артур Миронов,** етакчи муҳандислар **– Тиловиддин Шукуров, Дмитрий Божко,** етакчи мутахассиси **Акмал Инсавалиев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Рахат Ещанов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлим бош мутахассиси **Дониёр Акрамов,** Жондор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлим бошлиғи **Ҳамробек Шодиев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Суннат Равшанов,**

Навоий вилояти, Қизилтепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Фарҳод Қурбонов,**

Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Жавлон Бобобеков,** Самарқанд тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Парвиз Садиков,**

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиқ ўринбосари **Абдусаттар Ҳасанов,** бўлим бошлиғи **Нодир Ғозиев,** етакчи мутахассис **Рустам Илҳомов,**

Тошкент вилояти, Нурафшон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Умиддин Холматов,** Янгийўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Абдусалям Абдуллаев,**

Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги “Хонобод-уй обод” МЧЖ бош директори **Мўминжон Тўқсинов,**

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳридаги “Zar Golden House 2022 Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Шоҳбоз Тошпўлатов,**

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридаги “Регистон плюс коммуналчи” МЧЖ бош директори **Иззат Абдиахатов,** Иштихон туманидаги “Нурафшон ташаббуси” МЧЖ бош директори **Низом Хўжаяров,**

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги “House Etalon” МЧЖ бош директори **Алишер Умаров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Озода Жўраева, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1237.
1611 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 23.10.
Топширилди – 00.45. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2023 йил 15 декабрь куни чиқади.